БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-ИЙЛ ЧИҚИШИ № 8 (11.454). | 10 январь, якшанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ КОЛХОЗЧИЛАРНИ, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИНИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИ, ПАРТИЯ, СОВЕТ, ҚАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЎЗЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ҒАЙРАТЛАРИНИ ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ МУЛ-ҚЎЛ ҚИЛИБ ЕТИШТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШГА ҚАРАТИШГА, МАМЛАКАТИМИЗДА КОММУНИЗМ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ УМУМХАЛҚ ҚУРАШИ ИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШГА ЧАҚИРАДИ.

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИДАН).

КПСС МК ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МАРДОНА МАЖБУРИЯТ ОЛИБ, ҒАЙРАТ БИЛАН ИШЛАЙЛИК!

ИККИ-УЧ ЙИЛЛИК РЕЖАНИ БИР ЙИЛДА БАЖАРИШ УЧУН КЕСКИН КУРАШ БОШЛАЙМИЗ!

☆ ☆ ☆

ДАДИЛ ҚАДАМ БИЛАН ЯНГИ ЮКСАКЛИККА

Шаҳрисабз район колхозчилари, механизаторлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг социалистик мажбурияти

1959 йил совет халқи учун катта меҳнат ғалабалари йили бўлди. Етти йилликнинг биринчи йилида саноатни, қишлоқ хўжалигини, фанни ва маданиятни юксалтиришда, совет халқининг моддий фаровонлигини оширишда ажойиб муваффақиятларга эришилди.

Ўзбек халқининг ўтган йили эришган муваффақияти айниқса қувончлидир. Республика колхоз ва совхозлари Ватанга 3 миллион 160 минг тонна пахта сотдилар. Олинган социалистик мажбурият анча ошириб бажарилди.

Районимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари республикамиз эришган муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар. Шаҳрисабз районининг пахтакорлари давлатга 34 минг 500 тонна пахта сотдилар.

Райондаги айрим колхозлар ҳосилдорликни оширишда янада яхши натижаларга эришдилар. Масалан, Ленин номли ва Карл Маркс номли колхозлар ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» олдилар. «Партия XX съезди» колхози ҳосилдорликни бир йилда гектарига 4 центнер оширди.

Комплекс механизациялашган бригадалар пахтадан энг юқори ҳосил олдилар. Карл Маркс номли колхознинг Йўлдош Эшдавлатов бошлиқ бригадаси 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан, Ленин номли колхознинг Жалил Тўраев бошлиқ бригаласи 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан, «Социализм» колхозининг Шукур Амирова бошлиқ звеноси 18 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» топширдилар.

Ўтган йили механизация пахта етиштиришга кенг жорий қилинганлиги айниқса характеридир. 10713 гектар ердаги ғўза икки томонлама ишланди. 5117 гектар ердаги ғўза эса кетмонсиз парвариш қилинди.

1959 йилда 4075 тонна пахта машиналарда териб олинди. Карл Маркс номли колхознинг механизаторлари пахтани машинада теришнинг ташаббускори бўлдилар. Улар ҳосилни машинада териш юзасидан олган мажбуриятларини анча ошириб адо этдилар. Бу колхознинг кўпгина механизаторлари машина теримида жуда яхши натижаларга эришдилар. Механик-ҳайдовчилардан Рустам Рўзиев, Элбобо Зиёев, Русгам Ҳайитов мавсумда 109-112 тонналан пахта териб бердилар.

Ўтган йили Шаҳрисабз районида қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам яхши натижаларга эришилди. Давлатга ғўшт, сут, пилла, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми етти йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг якунини ясади ва социалистик қишлоқ хўжалигини янада ҳар тарафлама ривожлантиришнинг кенг программасини белгилаб берди. Пленум ҳар бир колхоздан, совхоздан, райондан ва областдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг юксак даражасига эришишни талаб қилди.

Биз, қишлоқ хўжалик илғорлари район кенгашининг катнашчилари партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини изчиллик билан бажариш мақсадида етти йилликнинг иккинчи йилида ўз зиммамизга қуйидагича мажбуриятларни оламиз:

ПАХТАЧИЛИК БЎЙИЧА

40 минг тонна пахта етиштирамиз ва давлатга сотамиз. Шу жумладан Хрушчев номли колхоз 3400 тонна, «Коммунизм» колхози 4100 тонна, Карл Маркс номли колхоз 7000 тонна, Сталин номли колхоз 3200 тонна, Энгельс номли колхоз 4500 тонна, «Социализм» колхози 4200 тонна, «Партия XX съезди» колхози 2700 тонна, Куйбишев номли колхоз 4000 тонна, Ленин номли колхоз 5000 тонна, «Правда» колхози 3600 тонна пахта сотади.

Олинган мажбуриятни бажариш ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширамиз:

Ҳар гектар ерга солиш учун 15 тоннадан маҳаллий ўғит тайёрлаймиз ва далага чиқариб тўкамиз. Бу ишни 1 мартгача тугаллаймиз. Яхоб беришни яқин кунларда тамомлаймиз. Квадрат-уялаб чигит экиладиган ва ҳосили машинада терилалиган ерларни текислашни ўз вақтида ва сифатли ўтказамиз. Ҳамма ирригация ва мелиорация ишларини 15 февралга қадар тугаллаймиз.

Техникани кўклам ишларига тайёрлашни қисқа вақт ичида тамомлаймиз. Далаларни чигит экишга ўз вақтида ва юқори сифатли тайёрлаймиз, чигит экишни 8 — 9 иш кунида юксак агротехника қоидалари асосида ўтказамиз. Барча пахта майдонларида чигитнинг тўла ва бир текис униб чиқишини таъминлаймиз. Ғўзанинг нормал қалинликда ва гектарларнинг тўла бўлишига эришамиз.

Бу йил 6310 гектар ерга чигитни режа сими тортиб квадрат-уялаб экамиз. 11679 гектар ердаги ғўзани икки томонлама парвариш қиламиз. Ғўзани парвариш қилишни, суғоришни ва озиқлантиришни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берамиз. Барча пахта майдонининг 40 процентидаги — 5320 гектар ердаги ҳосилни машинада терамиз.

Пахта тайёрлаш планини 1 ноябрда. социалистик мажбуриятни эса Улуғ Октябрнинг 43 йиллиги кунига бажарамиз.

ЧОРВАЧИЛИК БЎЙИЧА

1960 йилда колхозларда 2390 тонна ғўшт етиштирамиз, давлатга эса 1200 тонна ёки пландагидан икки баравар кўп ғўшт сотамиз. Бундан ташқари молларни боқиб семиртиралиган совхозлар бўйича 860 тонна ғўшт етиштирилади. 5223 тонна сут етиштирилиб, шундан 3660 тоннасини давлатга сотамиз, бу—пландагидан икки баравар кўпдир. Шу жумладан колхозлар бўйича қуйидаги мажбуриятларни оламиз: (тонна ҳисобида).

Колхозлар номи	Ғўшт		Сут	
	Етиштирилиши	Сотилиши	Етиштирилиши	Сотилиши
Хрушчев номли	159	96	320	290
«Коммунизм»	272	118	459	364
Карл Маркс номли	233	182	555	370
Сталин номли	246	100	375	282
Энгельс номли	184	96	473	350
«Социализм»	175	127	493	350
«XX партсъезд»	118	53	204	158
«Правда»	299	76	428	240
Куйбишев номли	190	131	547	350
Ленин номли	192	98	488	370
Калинин номли	79	42	210	110
Охунбобоев номли	21	15	57	21
«Қизил юлдуз»	39	21	139	64
«Москва»	72	35	330	125
«Қаҳрамон»	23	14	74	42
Крупская номли	40	21	110	60
«Маданият»	45	25	128	64

Ҳар бир сигирдан 1350 килограммдан сут соғиб оламиз. Ғўшт етиштиришни кўпайтириш мақсадида молларни қўлда ва яйловларда боқишни яхшилаймиз. Корамолларнинг тирик вазнини оширамиз ва уларнинг оғирлигини 230 килограммга ва қўйларнинг оғирлигини 50 килограммга етказиб, ғўштга топширамиз.

Паррандачилик ва чўчқачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераміз. Бу йил топширилаган ҳамма ғўштнинг 40 процанти чўчқа ғўшти ҳисобига бўлади. Подадаги ҳамма қорамолларнинг 40 процанти сигир бўлади.

Қорамолларни ўтган йилдагига нисбатан 21 процент, шу жумладан сигирларни 25 процент, чўчқаларни 11 процент ва паррандаларни 160 процент кўпайтирамиз. Давлатга 1620 минг дона ёки пландагига нисбатан икки баравар кўп тухум сотамиз.

Жамоат чорва молларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берамиз. Беда ва маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирамиз. Ҳар бир сигир ҳисобига 10 тонналан силос бостирамиз.

ПИЛЛАЧИЛИК БЎЙИЧА

Ҳар бир қути қурт уруғидан 50 килограммдан пилла оламиз, район бўйича 237,5 тонна пилла етиштирилишига эришамиз. Шу жумладан Хрушчев номли колхоз 30,6 тонна, «Коммунизм» колхози 28,5 тонна, Карл Маркс номли колхоз 25,2 тонна, Сталин номли колхоз 19,6 тонна, Энгельс номли колхоз 32,1 тонна, «Социализм» колхози 23,6 тонна, «XX партсъезд» колхози 14,8 тонна, «Правда» колхози 25,6 тонна, Куйбишев номли колхоз 15,0 тонна, Ленин номли колхоз 12,2 тонна, Калинин номли колхоз 1,5 тонна, Охунбобоев номли колхоз 0,5 тонна, «Қизил юлдуз» колхози 0,64 тонна, «Москва» колхози 1,0 тонна, «Қаҳрамон» колхози 0,4 тонна, Крупская номли колхоз 2,8 тонна, «Мироқи» совхози 3,6 тонна пилла етиштиради.

Биз Сталин номли колхоз пиллачиларининг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Улар бу йил ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан пилла олишга аҳд қилдилар. Сталин номли колхоз пиллачиларининг тажрибасини районимиздаги барча пиллачилар ўртасида кенг оммалаштирамиз.

Қурт уруғларини жадал усулда боқиб, 21 — 24 кун ичида ўратамиз. Бу ишга тайёргарликни яқин кунлар ичида бошлаб юборамиз.

Тут кўчатларини ва тутзорларни парвариш қилишни уюшқоқлик билан ўтказамиз.. 74 гектар ерда янги тутзор ташкил қиламиз. 125 минг туп баланд танали тут кўчатлари ўтқазамиз.

САБЗАВОТЧИЛИК, МЕВАЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК БЎЙИЧА

1960 йилда 8800 тонна сабзавот, 4500 тонна қовун-тарвуз, 1300 тонна картошка етиштирамиз. Давлатга пландагидан икки баравар кўп сабзавот, уч баравар кўп картошка, 4,3 баравар кўп қовун-тарвуз сотамиз.

Токзорларни анча кўпайтирамиз, узум ҳосилини оширамиз. 1960 йилда 1092 тонна узум, 570 тонна мева етиштирамиз. Давлатга пландагидан 1,5 баравар кўп узум, 2,5 баравар кўп мева сотамиз.

Бу йил 145 гектар ерда янги токзор ва 119 гектар ерда боғ барпо қиламиз. Биз, Қишлоқ хўжалиги бўйича район кенгашининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан руҳланиб, ана шундай юксак социалистик мажбуриятлар олар эканмиз, Чироқчи районининг колхозчиларини, совхоз ва РТС ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини мусобақага чақирамиз.

Қимматли дўстлар!

Биз қаттиқ ишонамизки, Қашқадарё областининг колхозчилари, РТС ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашлари бизнинг ватанпарварлик ташаббусимизни қизғин қўллаб-қувватлайдилар ва биздан намуна олиб, етти йиллиқнинг иккинчи йилида социалистик қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришиш учун бутун кучларини сарфлайдилар, зиммаларига конкрет мажбуриятлар олиб, унинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар.

Социалистик мажбурият қишлоқ хўжалик ходимларининг район кенгашида шу йил 5 январда қабул қилинди.

☆ ☆ ☆

УЛУҒВОР ИШГА

Етти йилликнинг биринчи йили тамом бўлди. Ўтган йил бизнинг совхозимизга ҳам кўп яхши нарсалар келтирди. Биз сут ва ғўшт етиштириш ҳамда давлатга топшириш планларини муваффақиятли бажардик. Ҳар 100 гектар ер ҳисобига 170 центнердан ғўшт, (шу жумладан 140 центнердан чўчқа ғўшти) ва 560 центнердан сут етиштирилди.

Биз, чорвадорлар олдида яқиндагина аҳоли жон бошига асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда Америка Қўшма Штатларини қувиб етиш вазифаси турар эди. Ҳозир бу программанинг бир қисми бажарилиб бўлди: биз аҳоли жон бошига ёғ етиштиришда Американи қувиб етибгина қолмасдан, балки ундан ҳам ўтиб кетдик.

Совхозимизнинг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг ишларини диққат-эътибор билан кузатиб бордилар. Пленум ҳужжатлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг конкрет ва қаётий программасидир. Совхозимизнинг ишчилари ана шу программага амал қилиб, етти йиллик иккинчи йилининг дастлабки кунлариданоқ ички ишлаб чиқариш резервларини излай бошладилар, кам меҳнат ва маблағ сарфлаганлари ҳолда мамлакатга мумкин қадар кўпроқ маҳсулот етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Мен ўз тажрибам ҳақида қисқача айтиб ўтмоқчиман. Бизнинг совхозимизда ҳам бошқа хўжаликларда бўлгани каби 1957 йилга қадар 10-12 бош мол бир группага бўлиниб, қўлда боқилар эди. Шунинг учун ҳар бир ишчи бир йилда бор-йўғи 100 бош чўчқани парвариш қила олар эди. Молларни катта группаларга бўлиб, қўлда боқишга ўтилгандан ва механизация жорий қилингандан кейин эса мен 400—500 чўчқани боқадиган бўлдим.

Чўчқаларни ярим очиқ биноларда, махаллий шароитда боқиш анча тежамлидир. Чунки бундай биноларни қуришга бирмунча кам маблағ сарфланади. Иккинчидан, молларни шу хилда боқиш уларнинг тез ва яхши ўсишига имкон беради. Мен чўчқа болаларини икки ойлигида қабул қилиб оламан ва уни то ғўштга топширилгунча парвариш қиламан. Ишни ана шундай ташкил этиш эгасизликни тугатади, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширади ва молларнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга бўлган жавобгарлигини кучайтиради.

Ем-хашакнинг ҳар хил бўлиши молларнинг маҳсулдорлигини оширишда асосий шартлардан биридир. Бизда чўчқалар рациони йил фасларига қараб тузилади. Қиш фаслида рационга 35—40 процент беда уни киритилади, қолганлари концентрат озуқалардан иборат бўлади. Ҳар бир чўчқанинг бир кеча-кундузги рациони 2,5 озуқа бирлигига тенгдир. Бунга бир килограмм шрот ва беда уни, шунингдек бир ярим килограмм кепак киради. Ёз даврида эса рационнинг 60 процентини кўк ва ширали ўт ташкил этади.

Бизда чўчқалар рационида бедадан кенг равишда фойдаланилади. Беда ёзда чўчқаларга кўк ҳолича, қишда эса ун тариқасида едирилади. Шунингдек рационда маккажўхорининг кўкпояси ва чигит кунжарасидан ҳам фойдаланилади. Бундай рацион ҳар бир чўчқанинг кунда 550—600 грамм ўсишини таъминлайди.

Маҳсулот етиштиришнинг таннархини камайтириш бизнинг доим диққат эътиборимизда бўлади. Бу соҳада бизда кўп ишлар қилинди. Механизациядан кенг қўламда фойдаланмоқдамиз. Масалан, бизда кечакундуз ишлайдиган махсус озуқа цехи бор. Бу ерда ҳар хил озуқалар аралаштириб тайёрланади. Совхозимиз областда биринчи бўлиб, фермада молларга озуқани механик тарзда етказиб берадиган, суғорадиган усулга ўтди, осма йўллар қурди.

Тўғри, ем-хашак бизга ҳозирча қимматга тушмоқда, ҳар бир озуқа единицаси 55 тийинга тўғри келади. Шунинг учун биз бу йил маккажўхори ва қанд лавлагиси майдонларини анча кенгайтиришни ўйлаб турибмиз. Бу экинларга кам меҳнат сарфлангани ҳолда, улардан юқори ҳосил олиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Шу ҳисобга мол озуқалари етиштиришнинг таннархини тахминан икки баравар камайтиришни планлаштирмоқдамиз.

Мен ўтган йилнинг 11 ойи мобайнида ўз боқимимдаги чўчқаларнинг 607 центнер ўсишига эришдим Чўчқаларнинг бир центнер ўсиши учун бор-йўғи 550 озуқа бирлиги сарфланди, ҳар бир центнер чўчқа ғўштининг таннархи 422 сўмни ташкил этди.

Фермамизнинг чўчқабоқарларидан А. Румянцева, Е. Головина, М. Макарова, Н. Лабода ва бошқа ўртоқларнинг ҳар бири 600 — 800 бош чўчқа боласини олиб боқдилар ва ўстирдилар.

Эришилган муваффақият чегара эмас. Чорвадорларимиз КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунларини муҳокама қилиб, янги тадбирларни белгиладилар. Мен 1960 йил учун қуйидагича социалистик мажбуриятни олдим: чўчқаларни ўстиришдан Ватанга 100 тонна ғўшт бераман. Мен яқинда Львов областидаги Шевченко номли колхознинг чўчқабоқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Я. С. Чижга мактуб юбориб, уни социалистик мусобақага чақирдим.

Республикадаги барча чорвадорларни етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақага қўшилишга чақираман.

Д. СУЛТОНОВ,

1-«Самарқанд» совхозининг чўчқа боқувчиси.

☆ ☆ ☆

БАРВАҚТ БАЖАРИЛАДИ

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорлари Пастдарғом районидаги 8-наслчилик совхози меҳнаткашларининг ижодий ташаббускорлигини ошириб юборди. Биз, сигир соғувчилар Пленум ўз ишини тамомлаши билан ок умумий йиғилишда етти йилликнинг иккинчи йили планини муҳокама қилдик. Ишимизга хўжалик кўзи билан қараб ва ўз имкониятларимизни ҳисоблаб кўриб якдиллик билан қуйидаги мажбуриятларни олдик: ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 4,5 минг килограммга етказамиз. Бу —1959 йилда соғиб олинганидан 500 килограмм кўпдир. Бошқача қилиб айтганда, сут етиштиришда етти йилликнинг охирига белгиланган даражага 1962 йилдаёқ эришамиз.

Бунинг учун бизда ҳамма имконият бор. Совхозда чорва молларнинг ем-хашак базаси мустаҳкам, чорвачилик фермасида ҳамма иш процесслари механизациялаштирилган. Бизнинг орамизда сигирлардан энг кўп сут соғиб олаётган моҳир соғувчилар оз эмас. Масалан, Гулсун Усеинова, София Ғозиева ва бошқалар ўтган йили ўз боқимларидаги ҳар бир сигирдан 4 минг килограммдан кўпроқ сут соғиб олдилар. Мен 4765 килограммдан сут соғиб олишга эришдим.

Натижа жуда яхши. Лекин биз эришилган муваффақиятлар билан каноатланиб қололмаймиз, янада янги ғалабаларга эришиш учун ҳаракат қиламиз. Мен ўз имкониятларимни ҳисоблаб кўриб, зиммамга қуйидаги социалистик мажбуриятни олдим: бу йил ўз боқимимдаги 17 сигирнинг ҳар биридан камида 5500 килограммдан сут соғиб оламан. Бундан ташқари ҳар бир сигирдан биттадан соғлом бузоқ олишга ва уни сақлаб қолишга қарор бердим.

Ўз социалистик мажбуриятимни бажариш учун нималар қилишим ҳақида қисқача гапириб ўтмоқчиман.

Мен ҳар бир сигирни парвариш қилиш системасини ишлаб чиқканман. Ахир, сигирларнинг ҳаммаси ҳам ем-хашакни бир хилда ҳазм қилолмайди-ку. Мен буни ҳисобга оламан ва зоотехникнинг маслаҳати билан сигирларнинг ҳусусиятини ҳисобга олиб, кўп сут беришини таъминлайдиган ем-хашакнигина рационга киритаман.

Молларни парвариш қилишнинг қоидаларига тўла амал қилиш ундан кўп сут соғиб олишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Мен ҳар куни белгиланган соатда сигирларга ем-хашак бераман, уларнинг тагини тозалаб тураман. Сигирларни соғишдан олдин силаб-сийпайман ва танасини иссиқ сув билан ювамаи. Машиналар билан соғиб бўлгандан кейин такрор равишда массаж қиламан ва ювамаи. Сигирларнинг танасини иссиқ сув билан ювиш сутнинг ёғини кўпайтириш имкониятини беради.

Сигир туғишдан анча олдин унинг сутини кўпайтириш ҳақида ўйлайман. Сигирларнинг сутини кўпайтириш ва бузоқларни соғлом ўстириш кўп жиҳатдан молларни болалатишга яхши тайёргарлик кўришга боғлиқдир.

Бизнинг ишимизда социалистик мусобақа катта роль ўйнайди. Фермамиздаги ишларга ҳар куни якун ясаб борилади ва энг яхши сигир соғувчиларга кўчма вимпел берилади. Мусобақа ишимизда содир бўлган камчиликларни ўз вақтида пайқаб олишимизга ва тузатишимизга имкон бермоқда. Бу йил мен 1-совхознинг илғор сут соғувчиси Роза Фелькни социалистик мусобақага чақирдим.

Музина ҚОДИРОВА,

Самарқанд область, Пастдарғом районидаги 8-наслчилик совхозининг сигир соғувчиси.

„ДИНАМО" ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ҚИММАТЛИ ТАШАББУСИ

С. М. Киров номидаги «Динамо» заводининг коллективи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети декабрь Пленумининг ишини зўр диққат билан кузатиб турди.

Сизнинг, азиз Никита Сергеевич, нутқингиз ва Пленумнинг қарорлари Совет Иттифоқининг қудратини кучайтирмоқ ва Ватанимиз меҳнаткашларининг фаровонлигини оширмоқ учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш йўлларини белгилаб берди.

Қишлоқ хўжалигини янада механизациялаш ва электрлаштириш қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархини камайтиришнинг асосидир. Бу сиз кўйган марказий вазифаларнинг биридир.

Шу муносабат билан Сиз металлургия саноати ходимларига пландан ташқари металл фонди вужудга келтирмоқ ва қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондирмоқ учун давлат планларини ошириб бажариш тўғрисида мурожаат қилдингиз.

Бу чақириқ фақат металлургларгагина тааллуқли бўлиб қолмасдан, шу билан бирга бошқа соноат тармоқларининг ходимларига ҳам шу жумладан биз, электромашинасозларга ҳам тааллуқли эканлигини яхши биламиз.

С. М. Киров номидаги «Динамо» заводи пойтахтнинг энг кекса электротехника заводидир. 1903 йилдаёқ «Динамо» заводида большевистик ташкилот ташкил этилган эди ва шундан бери бизнинг завод коллективи партиямизнинг ҳамиша содиқ ва жанговар ёрдамчиси бўлиб келди, партиянинг чақириқларига жавобан ўз ишини ҳамиша ва кечиктирмай ташкил этиб келди.

Завод коллективи мамлакатимизни индустриалштириш ишида актив қатнашди; биринчи совет электровозларини ва тепловозларини, шаҳар атрофи темир йўллари учун электр вагонларни ҳамда метрополитен поездларини ўзлаштириб, Ватан магистралларига етказиб берди, кранлар учун ва металлургияга керакли электр ускуналарни ҳозир ҳам тайёрлаб берувчи асосий корхонадир.

Шонли етти йиллиқнинг биринчи йили бўлган 1959 йилда бизнинг заводимиз ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмай туриб, электр ускуналар ишлаб чиқаришни 1958 йилдагига нисбатан 14 процент кўпайтирди, меҳнат унумдорлигини эса 13 процент оширди.

Қишлоқ хўжалигини электрлаштиришнинг ғоят катта аҳамияти борлигини жуда яхши тушуниб, биз Сизнинг чақиригингизга жавобан ишлашни ўзимизнинг ватанпарварлик бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва 1960 йилда ишлаб чиқариш программасидан ташқари қишлоқ хўжалиги учун уч минг электродвигателни тежалган материалдардан ишлаб чиқариш мажбуриятини оламиз. Бунинг учун биз ўзимиз кўплаб ишлаб чиқараётган машиналар негизида қишлоқ хўжалигига керакли электродвигателнинг махсус конструкциясини ишлаб чиқамиз; бу конструкцияни ишлаб чиқармоқ учун керакли ускуналарни қисқа муддат ичида ўрнатамиз ва шундай электродвигателларни ишлаб чиқаришга киришамиз.

Сиз, Никита Сергеевичдан қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштиришнинг махсус фондини вужудга келтириш масаласини кўриб чиқишни илтимос қиламиз. Корхоналарнинг коллективлари шу мақсад учун пландан ташқари ўзлари тайёрлаган материаллар ва буюмларни мазкур фондга юбориб турадиган бўлсинлар.

Азиз Никита Сергеевич!

Фурсатдан фойдаланиб Сизни Янги йил билан чин кўнгилдан қизғин табриклаймиз. Ватанимиз бахт-саодати йўлида Сизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

Завод коллективининг топшириғи билан:
Завод директори — А. КОЗЛОВ,
Партком секретари — В. КРАСНОВ,
Завков раиси — Д. ШЧЕРБАКОВ,
ВЛКСМ комитетининг секретари — А. РЯПАЛОВ.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич ХРУШЧЕВГА

АЖОЙИБ ТАШАББУС

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Чирчиқ электрокимё комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи касаба союз ташкилотининг корхона ишчи ва хизматчилари болаларини уйда ва мактабда ўқитиш ва тарбиялашда ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ташаббусини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Узсовпроф, облсовпроф, касаба союз республика, область ва фабрика-завод комитетлари зиммасига халқ маорифи органлари билан биргаликда Чирчиқ электрокимё комбинати коллективининг мажбуриятини республика саноати, транспорти ва қурилишининг ҳамма корхоналарида кенг муҳокама қилинишини таъминлаш, ишчи ва хизматчилар болаларини онлада ва мактабда ўқитиш ва тарбиялашда ёрдам кўрсатиш соҳасидаги тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш вазифасини топширди. Халқ хўжалик кенгашлари, министрликлар, бошқармалар ва республикадаги корхоналар мактабларга юқори синф ўқувчиларининг ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишда, улар учун моддий база яратишда ва мактаб группаларига малакали ишчилар ва инженер-техник ходимларни жамоатчи инструктор сифатида бириктиб қўйишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари керак. Область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари саноат корхоналари ва қурилишлардаги ишчилар ва хизматчиларнинг мактаб ўқувчиларига таълим бериш ва уларнинг меҳнат тарбияси соҳасидаги амалий тадбирларни амалга оширишда ёрдам бериш учун бошлаган ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари лозим.

Чирчиқ электрокимё комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг Ўзбекистон ССР саноат, транспорт ва қурилиш корхоналари коллективларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Ватанимиз КПСС тарихий XXI съезди белгилаб берган улуғвор коммунистик қурилиш программасини муваффақиятли амалга оширмоқда. Улуғвор етти йилликнинг дастлабки йилида халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма тармоқларида жуда катта муваффақиятларга эришилганлиги қалбимизни ифтиҳор ва қувончга тўлдирди.

Жонажон Коммунистик партиямиз, ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига мустаҳкам жипслашган совет кишилари етти йилликнинг иккинчи йилига қадам қўйдилар. Бу йилнинг коммунизм моддий-техника базасини яратиш йўлида янги катта қадам бўлишига қатъий ишонамиз.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида қилган докладида таъкидлаб кўрсатдики, коммунизмга ўтиш учун ривожланган модий-техника базагина эмас, шу билан бирга жамиятдаги барча гражданлар онгининг юксак даражада бўлиши ҳам талаб қилинади. Шунинг учун ҳам партия XXI съезди шу етти йилликдаги асосий вазифалардан бири қилиб меҳнаткашлар ва даставвал ёш авлоднинг коммунистик онглилигини оширишни қўйди. Бу ишда мактаб жуда катта роль ўйнайди. Мактаблар мамлакатимизда миллионларча маълумотли гражданларни тарбиялаб етиштирди. Мактаб инженер, техник, агроном, ўқитувчи, врач ва ўрта ҳамда олий малакали бошқа мутахассислардан иборат ажойиб кадрлар етиштиришда ёрдам берди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ёш авлодни тарбиялаш ҳақида доимо оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги янги Қонун ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Бу Қонунни бутун совет халқи яқдиллик билан маъқуллади.

Қадрли ўртоқлар!

Биз Чирчиқ электрокимё комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ёш авлодни тарбиялаш учун ўзимизнинг юксак масъулиятимизни хис қилган ҳолда халқ маорифи системасини қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ҳамма тадбирларни амалга оширишда жуда актив ёрдам кўрсатишга, совет мактабининг ўқишни ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан мустаҳкам боғлаган ҳолда жамиятимизнинг ҳар томонлама билимли ва онгли гражданларини тарбиялашига эришишга қарор қилдик.

Бу соҳада биз ҳозироқ бир қанча тадбирларни амалга оширдик. Комбинат оталигидаги мактабларда устахоналар, физика, кимё ва бошқа фан кабинетлари вужудга келтирилиб, улар зарур инвентарь, станоклар билан жиҳозланди, инструментлар, асбоблар ва аппаратлар билан таъминланди.

Бизнинг комбинатимизда 10- ва 8- мактаблардаги юқори синф ўқувчилари ишлаб чиқариш таълими дарсини ўтмоқдалар. 150 ўқувчи учун иш жойи ажратилди. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълимига малакали мутахассислар, комбинатнинг илғор ишчилари раҳбарлик қилмоқдалар.

Инженер-техник ходимларимиз оталикдаги мактабларга тез-тез бориб турадилар, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказадилар, педагогика Советларининг йиғилишларида, синфлардаги машғулотларда қатнашадилар. Бу эса мактабни ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Комбинат коллективи уй бошқармалари ҳузурида 16 болалар майдончаси ташкил қилишда, болаларнинг техника, бадиий ва спорт тўгаракларини ва секциялари ишини уюштиришда ёрдам берди. Бу тўгараклар ва секциялар 250 ўқувчини уюштирган. 1959 йилда пионер лагерларида 1000 дан кўпроқ бола дам олди.

Бу ишларни биз фақат дастлабки қадам деб ҳисоблаймиз. Коллективимиз кўпроқ иш қила олади. Биз ўз имкониятларимизни муҳокама қилиб, икки-уч йил мобайнида ўз кучимиз билан қуйидаги тадбирларни амалга оширишга қарор қилдик:

880 ўринли ўрта мактаб қурилишини тугаллаш ва уни 1960 йил январь ойида фойдаланишга топшириш. Бу билан биз оталикдаги мактабларни бир сменалик машғулотга тезроқ ўтказишда амалий ёрдам берамиз.

1960-1961 йилларда оталикдаги мактабларнинг кабинетлари ва ўқув — ишлаб чиқариш устахоналарини ускуналар, инструментлар ва кўргазмали қуроллар билан тўла таъминлаймиз. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими учун ҳар йили комбинатнинг малакали ишчиларидан 30 инструктор ва мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун етарли миқдорда иш ўринлари ажратамиз. Комбинат коллективи ва оталикдаги мактабларнинг кучи билан 1960 йилда иккита теплица қурамиз;

1960-1961 ўқув йили бошлангунча кимёгарларнинг маданият саройида ва уй бошқармаларида ўқувчилар учун иссиқ овқат бериладиган қўшимча учта узайтирилган кун группаси ташкил қиламиз;

Ишчи ёшларнинг кечки мактабларида сменали машғулотларни ташкил қилиш учун ҳамма зарур чораларни кўрамиз. Шу мақсадда 1961 йилгача синфхоналарни 200 квадратметр кенгайтириб, уларни жиҳозлаймиз;

1960—1962 йилларда ўрта мактабни тамомлайдиган ёшлардан индивидуал ўқитиш йўли билан асосий ишчи ҳунарларини ўрганган 320 мутахассис тайёрлаймиз ва 1200 ёш ишчининг малакасини оширишга эришамиз;

1960—1961 йилларда кимёгарлар маданият саройи активининг ёрдами билан камида 500 ўқувчини жалб қиладиган ёш техниклар клуби, «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг секциялари ҳузурида болалар учун 10 та спорт группаси ва иккита туристлар группаси ташкил қиламиз. Маданият саройининг болалар сектори ҳузурида болаларни эстетик тарбияси бўйича клубини ва болаларнинг бадиий ҳаваскорлик агитбригадасини ташкил қиламиз. «Ёш кино механиклар» тўгараги базасида пионерлар кинотеатрини вужудга келтирамиз. 3 йил ичида 150 қизни кийим бичиш ва тикишга ўргатамиз. Уй бошқармалари ҳузурида қўшимча тарзда болалар ўйнайдиган ва спорт билан шуғулланадиган 14 майдонча ускуналаймиз.

Болалар ҳаваскорлик коллективларига раҳбарлик учун инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранлари ва педагоглардан иборат жамоатчиларнинг кенг активини вужудга келтирамиз;

1962 йилдаёқ шаҳар атрофидаги пионер лагерларида 1959 йилдагидан бир ярим баравар кўп ўқувчининг дам олиши учун ҳамма шароитларни яратамиз;

1960 йилнинг январь ойидан бошлаб ота-оналар лекторийси ишини уюштирамиз;

1960 йилда корхоналар фондидаги маблағлар ҳисобига 100 ўринли болалар боқчаси қуриб, фойдаланишга топширамиз;

Оталикдаги мактабларнинг ўқитувчилари учун энг яхши маиший шароитлар яратиш мақсадида 1960 йилдан бошлаб ҳар йили ўз уй-жой фондимиздан улар учун бештадан хона ажратиб турамиз.

Қадрли ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР саноат, транспорт ва қурилиш корхоналаридаги ҳамма коллективларда бизнинг коллективимизда бўлганидек имконият бор деб астойдил ишонамиз. Бинобарин ҳаммамиз бир бўлиб мактаб ва оилага ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитишдан иборат олижаноб ишда ёрдам кўрсатсак, коммунизмнинг бўлажак қурувчиларини тайёрлаш иши жадалроқ ва яхшироқ юришиб кетади. Биз Ўзбекистон корхоналарининг ҳамма коллективларини бизнинг ташаббусга қўшилишга чақирамиз.

Мурожаат комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

ЮКСАК МУКОФОТ

СССР Олий Совети Президиуми етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришда, 1959 йилда областнинг колхоз ва совхозларида гўшт етиштиришни 1958 йилдагига нисбатан 3,8 баравар ҳамда давлатга гўшт сотишни умуман область бўйича 3 баравар кўпайтиришда, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга топширишни кўпайтиришда эришилган катта муваффақиятлар учун **РЯЗАНЬ ОБЛАСТИ**нинг қишлоқ хўжалик илғорлари, партия, совет ва бошқа ташкилотлар ходимларидан 3.449 кишини СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлади.

Ленин ордени билан: Скопин районидаги «Красний горняк» колхозининг агрономи Н. Д. Агафонов, Сасово районидаги «Прогресс» колхозининг паррандачиси Е. И. Акимова, Шацк районидаги «Вперед» колхозининг чўчқабоқари Н. М. Барябина, Сараи районидаги Ильич номли колхоз тракторчилар бригадасининг бошлиғи Н. И. Габрикова, Милославское районидаги «Трудовой путь» колхозининг бузоқбоқари А. С. Голяева, ВЛКСМ Рязань область комитетининг собиқ биринчи секретари, ҳозир КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабининг тинглочиси А. П. Гуров, КПСС Старожилово район комитетининг биринчи секретари Г. А. Егоров, Шилово районидаги Киров номли колхоз партия ташкилотининг секретари Н. И. Иванцов, КПСС Ново—Деревенский район комитетининг биринчи секретари С. С. Кагаков, Старожилово районидаги «Ударний труд» колхозининг маккажўхори етиштирувчи механизациялашган звено бошлиғи В. Ф. Коничев, Елатьма районидаги «Приокский» колхозининг сут соғувчиси М. С. Корнеева, Спасск районидаги «Ударник» колхозининг зоотехниги Е. И. Лукьянова, Ряжск районидаги Карл Маркс номли колхознинг маккажўхори етиштирувчи звено бошлиғи Н. П. Наумова, Ермишь районидаги Ермишинский ўрта мактаби директори М. И. Павлова, Кадом районидаги «Октябрь 13 йиллиги» колхозининг чўчқачилик фермаси мудири М. Г. Панкратова, меҳнаткашлар депутатлари Сасово район Совети ижроия комитетининг раиси П. Н. Поляков, Старожилово районидаги «Россия» колхозининг раиси Н. Н. Семенов, Сасово районидаги Клара Цеткин номли совхоз директори И. К. Силкин ва бошқа кўп кишилар, жамъи 235 киши мукофотланди.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 415 киши, «Ҳурмат белгиси» ордени билан 707 киши, «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 896 киши ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан 1.196 киши мукофотланди.

1959 йилда колхоз ва совхозларда гўшт етиштиришни 1958 йилдагига нисбатан 3,8 баравар ҳамда давлатга гўшт сотишни умуман область бўйича уч баравар кўпайтиришда, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришда эришилган ҳамда жуда катта муваффақиятлар учун С. В. Бегичев, С. И. Белокуров, Е. С. Бодрова, В. С. Говорушкин, М. И. Дианов, Н. В. Дюдяев, И. А. Жижов, В. П. Жуков, П. И. Захаров, А. Ф. Зеленцов, Н. Н. Кабанов, А. Д. Кирюшин, Н. Н. Косарев, М. Е. Кузнецова, И. М. Лисаков, П. А. Марфин, Н. А. Маторина, Б. С. Миролюбов, М. Г. Петрова, А. В. Пушкарев, А. Ф. Романов, И. В. Румянцев, М. С. Савочкина, Ф. И. Союстов, В. В. Субочев, А. В. Сучугов, Г. Г. Тарасов, Е. Д. Тюлина, П. К. Федулов, Т. А. Цибизова, М. В. Циплаков ва А. И. Шувалова ўртоқларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

ҚАҲРАМОНЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИЛАР

Декабрь Пленуми қатнашчилари — уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ТУРСУНҚУЛОВ ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной ОХУНОВА.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҲОСИЛНИ КЎТАРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳамроқул ТУРСУНҚУЛОВ
уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

1954 йилда ўртоқ Н. С. Хрушчев иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашдан кейин пахтакорларимиз партиямизнинг кўрсатмаси ва Никита Сергеевич Хрушчевнинг маслаҳатлари асосида пахта етиштиришда янги агротехника усулларига ўтиш, чигитни квадрат-уялаб экиш, ғўза қатор ораларини механизация билан икки томонлама ишлашни кенг йўлга қўйиш асосида оз меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил етиштиришнинг катта йўлига тушиб олдилар.

Лекин бу ҳали ишнинг бошланғичидир. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми пахтакорларимиз олдига деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, янги резервларни қидириб топиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан бирга унинг таннархини арзонга тушириш вазифасини қўйди.

Бунга даставвал, экинларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Бунинг учун ҳамма колхоз ва совхозлар баббаравар юқори ҳосил етиштиришлари керак.

Ҳосилни кўтаришнинг йўллари кўп. Аввало, ердан, сувдан унумли фойдаланабилиш керак. Шу билан бирга асосий вазифа деҳқончилик ишларини кенг равишда механизациялаштиришдир. Бунинг учун деҳқончиликдаги ҳар бир ишни механизация билан бажаришга мослаб ташкил этиш керак.

Эндиликда, биз кетмон ишлатмасдан пахта етиштиришни асосий вазифа қилиб қўйган эканмиз, агротехниканинг ҳамма тадбирларини мукаммал амалга оширишимиз керак.

Бизда ер кўп, сув сероб, тупроғимиз ҳосилдор, лекин ҳар бир область, район, колхоз, совхоз ва хатто бригадаларда ер-сув шароити ҳар хил. Юқори ҳосил оламан деган деҳқон ўз ерининг шароитини яхши билиб, ўшанга яраша агротехника тадбирларини қўллангандагина мақсадига эришаолади. Ернинг тилини билиб олиш осон иш эмас. Бунинг учун бир ерда бир неча йил ишлаш талаб қилинади. Тажрибакор деҳқонларимизнинг ҳар йили муттасил юқори ҳосил олиб келаётганликларининг боиси ҳам шундаки, улар ўз ерларининг об-тобини, паст-баландини, ориқ-семизлигини, сувга, ўғитга ва бошқа агротехникага бўлган талабларини яхши билиб олганлар.

Ана шунга риоя қилмаслик орқасида баъзи колхозлар ери яхши бўлса ҳам ҳосилдорлик жиҳатидан пастга тушиб кетади. Масалан, бизга қўшни бўлган собиқ Андреев номли, Охунбобоев номли, «Ўзбекистон» колхозлари бундан бир неча йил илгари ҳар гектар ердан 30—35 ҳатто 40 центнерга етказиб ҳосил олар эди. Шу колхозлар кейинги йилларда жуда чўкиб қолди. Масалан, Охунбобоев номли колхоз 1957 йилда ҳар гектаридан 9 центнер, 1958 йилда эса гектаридан атиги 8 центнер пахта ҳосили берди. Ўтган йили баҳорда Охунбобоев номли колхоз бизнинг колхозга қўшилди. Кўклам об-ҳаво шароити анча қийин келишига қарамай, ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил етиштирилди.

Ҳосилнинг пасайишига сабаб, кейинги йилларда ана шу колхозларда раис, бригадир ва бошқа раҳбар ходимлар жуда тез ўзгариб турди. Янги одамлар то ернинг шароитини билиб олгунча ишни бузиб қўяверди. Ана шундай пала-партиш, ишнинг кўзини билмасдан бошқариш натижасида бу колхозлар пастлаб кетди.

Бизда бригада, звено бошлиқлари, механизаторлар ва оддий колхозчилар, сувчилар ҳар йили ўзи биркитилган участкада ишлайди. Ҳосилдорликни ошириш ана шулар ҳал қилади.

Ҳосилдорликни ошириш, деҳқончиликни механизациялаштиришнинг кескин қилиб қўйилиши — механизатор кадрларни кўпроқ талаб қилмоқда. Шунинг учун биз колхозимизда махсус курс ташкил қилиб, колхозчилардан 25 кишини ўқитяпмиз. Шу билан бирга бригадаларни ҳам йириклаштириб, карталарни яхлитлаштириб, механизацияни кенг жорий қилиш тадбирларини кўряпмиз. Ҳозир колхозимиздаги 26 та далачилик бригадаси 18 тага келтирилди. Шундан 4 таси комплекс механизациялашган бригада қилиб тузилди.

Колхозимизнинг аъзолари пахтачилик, чорвачилик ва бошқа соҳалар бўйича етти йиллик планни беш йилда бажаришга қарор қилдилар. Бутун ишимиз ана шунга қаратилган. Биз ҳар бир киши ҳисобига кўпроқ пахта етиштириш билан маҳсулотнинг таннархини арзонга туширишни асосий вазифа қилиб қўйдик. Ўтган йили колхоз бўйича ҳар бир кишига 7 тонна 200 килограммдан пахта етиштирилган бўлса, бу йил камида 10 тоннадан пахта етиштирамиз. Комплекс механизациялашган бригадаларда киши бошига 20 тоннагача пахта етиштириш учун курашяпмиз. Бунга ҳосилдорликни кўтариш учун ҳамма тадбирларни амалга ошириш орқали эришамиз.

ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАРГА

Валентин ТЮПКО
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Бизнинг бригадамиз пахтачиликдаги ҳамма ишларни комплекс механизациялашга биринчи бўлиб қўл урган эди. Ана шу ташаббусимиз қисқа вақт ичида Ўзбекистонгагина эмас, балки барча пахтакор республикаларга ҳам кенг ёйилди.

Ўтган йили бригадамиздаги 5 киши 125 гектар ерда пахта етиштириб, Ватанга ҳар гектаридан 27,4 центнердан пахта берди. Ернинг ҳайдашдан тортиб ҳосилни териб олишгача бўлган ишларни батамом машиналарда бажардик. Фақат уялардаги ўтни бир марта юлиб ташлаш ва машина ишлагандан кейин ерга тўкилган пахтани териб олишгагина қўл меҳнати сарфланди. Ана шу ҳар икки ишни ҳисобга олганда 1 центнер пахта етиштиришга 10 соат сарфладик, пахта таннархи 87 сўмга тўхтади. Ерга тўкилган пахтани териб олишни қўшмаганда ҳар биримиз 60 тоннадан пахта етиштирдик.

Бригадамизнинг меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги муваффақиятлари ҳақиқатан ҳам катта. Шундай бўлса ҳам ҳали бизда фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Масалан, бегона ўтларни ўз-ўзидан йўқотиш масаласини олиб кўрайлик. Қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаётган олимларимиз бизга ўтларни илдизи билан қуритиб юборадиган гербицидларни тезроқ топиб берганларида эди, ишимиз тағин ҳам енгиллашган бўлур эди. Шунингдек машина теримидан кейин ерга тўкилган пахтани териб олишни машиналаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозирча қўлда бажарилаётган бу ҳар иккала ишнинг серчиқим эканлигини шундан ҳам билиб олаберингки, агарда биз ўтган йили ана шу ишларга қўл меҳнати сарфламаганимизда эди, 1 центнер пахтанинг таннархи 87 сўм эмас, балки 37 сўм бўлган, ана шу пахтани етиштиришга атиги 4—5 соат меҳнат сарфланган бўлар эди.

Бу йил бригадамиз аъзолари ўз зиммаларига анча юксак мажбурият олдилар. Декабрь Пленуми қарорларига жавобан ҳар биримиз 75 тоннадан пахта етиштириб берамиз. Меҳнат сарфларини янада камайтириш учун бояги ҳар иккала ишни ҳам машиналаштиришга уриниб кўрамиз. Чунончи, бегона ўтларга қарши курашда аланга чиқарувчи культиватордан фойдаланилади. Бу культиватор ўтлар ердан эндигина бош кўтариб келаётганда ишлатилади. Табиий газни ёндириш орқали чиқадиган аланга билан ўтларни куйдириб кетади. Шу билан бирга ғўзаларга зарар етказмайди. Пахтачилик бўйича махсус давлат конструкторлик бюросида ерга тўкилган пахтани териб кетадиган кўп қаторли машина яратиш устида иш олиб борилмоқда. Умид қиламизки, бу машина пахта теримига қадар тайёр қилиниб, қўлимизга топширилади. Ана шу ҳар иккала иш ҳам машиналаштирилса, 1 гектар ерга сарфланадиган меҳнат 9 иш куни миқдорида камаяди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида янги марраларга етиб олмоқ,янги чўққиларга кўтарилмоқ учун ҳар биримиз ўзимизни қанот пайдо қилгандек ҳис этмоқдамиз.

ДУГОНАЛАР—ТЕРИМ МАШИНАСИГА!

Турсуной ОХУНОВА
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

— Биз пахтакорлар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик Партияга, Ҳукуматга ва шахсан Сизга, қимматли Никита Сергеевич, чин қалбдан миннатдорчилик билдиришимга рухсат этгайсиз.

Партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленумида айтган бу сўзларимда ҳамма пахтакорларнинг, айниқса хотин-қизларнинг, дугоналаримнинг фикри-зикрини ифодаладим деб ўйлайман.

Нега десангиз, жонажон Партиямиз, севикли Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик ишларини, республикамизда эса пахтачилик ишларини тўла механизациялаш тўғрисида тўхтовсиз ғамхўрлик қилмоқдалар. Ватанимиз заводларида ишлаб чиқарилган ажойиб техника колхозларнинг ўз қўлида. Ундан самарали фойдаланиш учун энди барча имкониятлар бор. Чигитни квадрат-уялаб экиш ва ғўзани икки томонлама ишлаш натижасида кетмон сурилди. Ҳолбуки, яқингинада жазирама офтобда, бир неча килограмм оғирликдаги кетмонни кўтариб эртадан-кечгача чопиқ қилар эдик. Кўзак изғиринлари вақтидаги қийинчиликларни айтмайсизми! Чаноқлар қўлларимизни тилиб кетарди. Мана энди ажойиб пахта териш техникасига эгамиз. Унинг кучини амалда синаб кўрдик.

Наманган область, Поп районидаги Ленин номли колхознинг донгдор механик-ҳайдовчиси Мелиқўзи Умурзоқов ўтган йили 251 тонна пахта терган бўлса, мен «ХВС-1,2» машинасининг бункеридан 210 тонна пахта тўкдим. Шунча ҳосилни бир мавсумда териш учун юзтадан ортиқ киши ишлаши, қанчаданқанча қийинчиликларга дуч келиши керак эди.

Пахтачилик ишларини, айниқса пахта теримини тўла механизациялаш пахтакорларни, шу жумладан хотин-қизларни кишининг тинкасини қуритувчи меҳнатдан тўла халос қилади.

Мен пахта териш машинасининг рулини биринчи марта 1953 йилда ушладим. 1954 йилда 30 тонна, 1956 йилда 80 тонна пахта теришга муваффақ бўлдим.

Никита Сергеевич Хрушчев бизга машина — пахтакорнинг ҳам энг яқин дўсти деб ўргатмоқда. Машина киши меҳнатини нақадар енгиллаштиришини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Мен ўзбек хотин-қизлари ўртасидан чиққач биринчи механик-ҳайдовчиман. Мен сафларимиз тобора кенгайишини, далаларимизда минг-минглаб хотин-қизлар жавлон уришини истайман. Шунинг учун ҳам ўз касбимни дугоналаримга эринмай, астойдил ўргатмоқдаман. Бултур колхозимиздан уч киши механик-ҳайдовчилик касбини ўрганиб олишди. Шогирдларимнинг ҳар бири бу йил мавсумда 150 тоннадан пахта териш учун техникани ўрганишни давом эттирмоқдалар. Шунингдек, мен ўз эрим, радиотехник Султон Шерматовга ҳам механик-ҳайдовчилик касбини ўргатдим. Бу йил у ҳам бригадамизда пахта теради.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Мелиқўзи Умурзоқов ҳам ўз хотинига механик-ҳайдовчилик касбини ўргатишга сўз берди.

Шу кунларда мамлакатимизнинг пахтакор районларидан, айниқса республикамизнинг турли бурчакларидаги дугоналаримдан кўплаб хат олмоқдаман. Улар етти йилликнинг иккинчи йилида механик-ҳайдовчиликни ўрганиб, севикли мамлакатимизга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб беришга янада кўпроқ ҳисса қўшажакларини билдирмоқдалар.

Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги Крупская номли колхоз звено бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати Ойим Камолованинг ёзган хатини ва жавобимни газетадан ўқигандирсиз.

Ўртоқ Камолова мени мусобақага чақириб, жуда яхши иш қилди. Республикамизда механик-ҳайдовчи бўлиб етишиш учун тайёрланаётган хотин-қизлар қанча кўпайса, шунча қувонаверамиз.

Мен бу йил бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 50 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдик. Мавсумда мен 250 тонна пахта теришга қарор қилдим.

Ҳам бригадирлик қилиш, ҳам 250 тонна пахта териш осон иш эмас. Шунинг учун биз бригада аъзолари ҳозирдан аҳил бўлиб ишлаб, мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратмоқдамиз.

Бу йил республикамиз мамлакатга камида 3 миллион 170 минг тонна пахта етказиб бериши керак. Бу улуғвор вазифани бажаришда янада актив қатнашайлик, дугоналар!

„ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭРТАСИ“

Совет Ўзбекистони етти йилликда яна ҳам камол топади, оғир ва енгил саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти янада ривожланади.

Республика меҳнаткашлари олдида етти йилликда турган вазифалар Ориф Алимовнинг «Ўзбекистоннинг эртаси» деган китобида муфассал ҳикоя қилинган. Китобда революциядан илгариги Ўзбекистон ҳақида қизиқарли маълумотлар, Шарқдаги капиталистик мамлакатлар билан таққослама материаллар берилган.

Китоб агитаторлар, пропагандистлар ва партия активига мўлжаллаб чиқарилган.

«Ўзбекистоннинг эртаси» китоби яқинда Москвада Давлат сиёсий нашриётида босмадан чиқди.

КЕКСАЛАР ИЖОДИДАН

ЯША, УЛУҒ ПАРТИЯМ!

Азиз халқим авангардисан,
Ийроқларни кўради кўзинг.
Ботирларнинг асл мардисан,
Зафарларга чорлар ҳар сўзинг.
Курашларда пишган, чиниққан,
Доҳим тузган партиям ўзинг.
Ленин руҳи билан тиниққан,
Нурда сузган партиям ўзинг.
Қирқинчи йил кирдим сафингга,
Тарбиянгда чиниқдим, пишдим.
Не буюрдинг—кирдим гапингга,
Коммунизм йўлига тушдим.

Яшнасин деб янада Ватан,
Етти йиллик планни бердинг.
Қақроқ чўллар бўлди гул, чаман,
Барчамизни бахтиёр қилдинг.
Асло севинч сиғмайди дилга,
Яша доно, улуғ партиям,
Омон бўлгин биз билан бирга,
Заковотга тўлиқ партиям.

Р. БУЗРУКЗОДА
пенсионер.
Бурчмулла қишлоғи.

ДАВРОНИМ

Мақсадимга етдим буткул, йўқдир армоним менинг,
Бу саодат кунни берди партиям — жоним менинг,
Яшнасин дунёда обод боғи-бўстоним менинг,
Топди шуҳрат кенг жаҳонда бахтли давроним менинг.
Сен Қаландар, ҳур Ватанга жон фидо қилсанг ҳам оз,
Партиям раҳбарлигидан бўлдинг энди сарфароз,
Меҳнатимиз иззатлади, турмуш бўлди жуда соз.
Халқ қатори мен етишдим, йўқдир армоним менинг.

Қаландар ҚУРБОНИЙ,
80 яшар.
Хоразм область, Янгиариқ райони.



СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ташқи ишлар министрлиги илмий-тадқиқот ишлари планларига мувофиқ, Тинч океаннинг марказий қисмига ракеталар юборилиши тўғрисидаги ТАСС нинг 1960 йил 8 январдаги ахборотини дипломатик йўл билан барча мамлакатларнинг ҳукуматларига юборди.

ГУЛЧИЛАР

Ўтган йили Горький номли (Тошкент) Маданият ва истироҳат боғида сунъий гуллар ясаш тўғараги очилган эди. Тўғаракка тортилган ҳаваскор гулчилар С. Е. Дудецкая раҳбарлигида қисқа вақтда турли матолардан ҳар хил гуллар ясашни ўрганиб олдилар.

Яқинда ҳаваскор гулчилар санъатини акс эттирувчи виставка ташкил қилинди.

А. ПЎЛАТОВ.

Бу икки навқирон Чирчиқ меҳнаткашларига шинам уйлар қуриб бермоқда. Юқоридаги Рашид КИШИБОЕВ — 225-қурилиш бошқармасида сувоқчилар бригадири. Пастдаги Виктор Рублев эса шу бошқарманинг ғишт терувчиси. Ҳар иккала азамат бинокор 1960 йилнинг дастлабки кунларидаёқ смена нормаларини 140-160 процентдан бажарабошлади.

Р. Шамсуддинов фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Олий Совети доимий комиссияларининг тақдимига мувофиқ, республика аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида 1959 йил май ойида Олий Совет томонидан қабул қилинган қарорнинг бажарилиши ҳақида Тошкент область ижроия комитетининг ҳисоботини шу йилнинг февраль ойида тинглашга қарор қилди.

Ана шу масала муҳокама қилинажаги муносабати билан 9 январда Ўзбекистон ССР Олий Совети халқ маорифи ва маданий-оқартув ишлари, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, коммунал хўжалик ва ободончилик комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Комиссиялар Тошкент областининг шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни биргаликда оммавий текширишга қарор қилдилар. Текширишга республикадаги турли ташкилотларнинг вакиллари, шу жумладан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Совет контроли комиссияси, маҳаллий Советларнинг депутатлари жалб қилинадилар.

Комиссияларнинг мажлисида республика министрлари, республика бошқармаларининг раҳбарлари қатнашдилар. (ЎзТАГ).

„Янги ҳаёт“да

ШАҲРИСАБЗ. Райондаги Сталин номли колхознинг аъзолари Танқос дарёсининг хушманзара қирғоғида барпо этилаётган посёлкаларини «Янги ҳаёт» деб атадилар. Посёлкада қурилаётган уй-жойлардан 14 таси фойдаланишга топширилди.

Правление ва партия ташкилотининг қарорига биноан, қуриб битказилган ҳар ўнта уй-жойнинг бири колхоз активига, 9 таси оддий колхозчига берилмоқда. Ҳар бири беш хонадан иборат бўлган бу уй-жойларга яқинда трактор бригадасининг механиги Ж. Эшимов, оддий колхозчилардан М. Раҳмонов, А. Темиров ўртоқлар кўчиб киридилар.

М. ТЎЛАНОВ.

Таштрам вагон-ремонт заводининг коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари Ўзбекистон санъат музейида.

И. Глауберзон фотоси.

БОЛАЛАР БОҒИДА

МОСКВА (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Кремль қишки каникул вақтида москвалик ёшларнинг хушчақчаклик билан кўнгил очувчи жойига айланган.

Бу йил болалар яна катта совға олдилар. Кремлдаги В. И. Ленин севиб дам оладиган боғ—Тайницкий боғи болаларга берилди.

Мана биз москвалик болалар билан ўша ажойиб боғни айланиб юрибмиз. Боғ Москва дарёсининг қирғоғидаги Тайник башняси олдида жойлашган. Башнянинг тарихи ҳам жуда қизиқ. У бизга жуда кўп йиллардан мерос қолган Башнида сирли қудуқ бўлиб, Кремлни ҳимоя қилувчиларни сув билан таъминлаган.

Бугун боғ эртаклардагидек қишки шаҳарга айланган. Мана Москва атрофидаги ўрмоннинг улуғвор меҳмони—18 метрли арча. Унда қор ва музлардан ясалган ажойиб безаклар. Болалар билан гурунглашаётган Қорбобо, айиқ, қуёнча, тулки, доктор Айболит. Буратинолар ҳам шу ерда. Ҳамма ёқда муз тоғлари, карусел, чена ва бошқа аттракцион ўйинлари.

Яна бир бурчак «Биз эртакдагиларни ҳақиқатга айлантириш учун яратилганмиз!» деган шиор остида ясатилган. Болалар «Ленин» атом музёрари, ТУ-104 самолётининг, оловли изини қолдириб учаётган космик ракетанинг каттакон макетини зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Кремль деворларининг олдида қордан ясалган «Уч паҳлавон» турипти. Уларнинг тепасида катта панно. Панода совет қаҳрамонларимиз—олим, ишчи ва колхозчи акс эттирилган.

Мана 20 га яқин арк. Уларда астроном, скульптор, металлург, врач ва бошқа турли касб эгаларининг портретлари. Улар: «Ҳамма ҳунар ҳам яхши, фақат истагингни танла» деяётгандай.

Кремль саройининг зал ва палаталарида болаларни янги йил совғалари ва турли кўнгил очувчи ўйинлар кутмоқда.

Ўқувчиларнинг қишки каникули даврида бу боғда 100 мингга яқин бола бўлади.

Г. БАХШИЕВА.

ХУШХАБАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

СССР география жамиятининг Ўзбекистон филиали ташкил этилди. Бу жамият республикамиз географиясини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

И. Назаров.

МАШҒУЛОТ БИР СМЕНАГА КЎЧИРИЛДИ.

Тошкент область, Сирдарё районидаги Карл Маркс номли колхозда янги йил арафасида 43-мактаб учун 500 бола сиғадиган янги мактаб биноси битказилди. Машғулотлар бир сменага кўчирилди.

О. Эргашев

ҚИШЛОҚ ИНТЕРНАТ-МАКТАБИДА

Андижон область, Избоскан районидаги Сталин номли колхоз қишлоғида интернат-мактаб очилди. Бу ерда яхши синф хоналари, физика ва кимё кабинетлари, кутубхона, спорт зали, медпункт, дурадгорлик ва темирчилик устахоналари бор.

Э. Мирзабоев.

Тошкент янгиликлари

▲ **Ленин районидаги 1-стоматология поликлиникаси Чехословакиядан совға олди. Бу—«Хирана» фирмасида ишланган тишларни даволаш асбобларидир.**

▲ **Тошкент санъат музейида катта тасвирий санъат виставкаси очилди. Бу ерга Ватанимиз ва чет эллардаги жуда кўп рассомларнинг табиат манзараларини акс эттирган бир неча ўнлаб экспонатлари қўйилган.**

▲ **Каникул кунларида пионерларнинг Троицкда очилган қишки лагерига Тошкентдан, Беговотдан, Чирчиқдан ва Олмалиқ, Янгийўл шаҳарларидан 500 га яқин бола тўпланган эди. Улар бу ерда яхши дам олмоқдалар, саёҳатлар уюштирмоқдалар, физкультура билан шуғулланмоқдалар.**

▲ **Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ҳунарни мукаммал эгаллаш курслари ташкил қилинди. 500 ишчи бу курсни битирди.**

▲ **Сибирь халқ хорини Ватанимиздаги жуда кўп томошабинлар биладилар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат филармонияси ана шу хорни Тошкентга таклиф қилди. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Валентин Левашев раҳбарлигидаги бу хор тезда Тошкентда ўз гастролларини бошлайди.**

▲ **Кеча, 9 январда Ўзбек эстрада театри биносида шаҳар ёшларининг янги йилга бағишланган катта кечаси бўлди.**

ҚУВВАТЛАСА АРЗИЙДИ

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг профессор-ўқитувчилари Бўка районидаги Ленин номли колхозни оталиқларига олдилар. Шу мақсадда колхозга ёрдам берувчи комиссия тузилди.

Комиссия составида қишлоқ хўжалик фанлари доктори профессор Н. П. Маленкин, профессор М. А. Орлов, профессор А. Н. Израэль, геология фанлари доктори, профессор М. М. Крилов, доцент И. И. Иброҳимов, доцент Ю. Т. Тоҳирий сингари олимлар бор.

—Университетимизда турли фан вакилларидан тузилган бу комиссия, — деди университет ректори, академик О. С. Содиқов,—Ленин номли колхозда пахтачилик ва чорвачиликни, деҳқончилик маданиятини юксалтиришда, фан ва техника ютуқларини колхоз ишлаб чиқаришига жорий қилишда, комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаларини қўпайтиришда колхозчи деҳқонларга яқиндан ёрдам беради.

Ҳозир комиссия аъзоларидан айримлари колхозга бориб, энг муҳим темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказаётирлар. Профессор Н. П. Маленкин оталиқдаги колхоз деҳқонлари орасида «Пахта ҳосилдорлигини юксалтириш йўллари» деган темада суҳбат ўтказди. Доцент Н. К. Нажимов колхозчилар илтимосига кўра «Одамнинг пайдо бўлиши тўғрисида фан» деган темада лекция ўқиб берди.

Комиссия колхоз хўжалигини тўла-тўкис ўрганиб чиққандан сўнг колхозда олимларнинг сайёр илмий сессиясини ўтказишни планлаштирди. Бу сессия олимлар ва колхоз ишлаб чиқариш илғорлари иштирокида хўжаликни янада юксалтириш, уни энг бой хўжаликлар даражасига кўтариш масалаларини илмий асосда муҳокама қилади. Университет олимлари колхозда маданий-оқартув, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга ҳам катта эътибор берадилар.

Колхоз ёшлари билан университет студентлари орасидаги дўстлик алоқалари ҳам кенгаяди. Комиссия колхознинг илғор ёшлари билан аълочи студентларнинг кечалари, учрашувларини ўтказишни кўзда тутмоқда.

Колхоз территориясидаги иккита мактаб ҳам оталиққа олинди. Доцент Ю. Тоҳирий бошчилигидаги бир неча олим мактабларда таълимни ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда ташкил этишда мактаб педагогика коллективига яқиндан ёрдам беряпти. Университет профессор ва ўқитувчилар коллективи колхоздаги болалар боқчалари ва яслиларига ҳам оталиқ ёрдами беришни ўз зиммаларига олдилар.

Университет олимларининг бу ташаббуси партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини амалга оширишга ҳисса қўшиш йўлидаги дастлабки қадамдир. Бу ибратли ташаббусни қувватласа арзийди.

Т. СОЛИЕВ.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Сталин номли Тошкент пионерлар саройининг тўғарак аъзолари шаҳар саноат корхоналари—тўқимачилик комбинати, электрокабель, «Ўзбексельмаш» заводларида тез-тез бўлиб турадилар. Яқинда саройга Тошкент завод ва фабрикаларидаги коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари меҳмон бўлиб келдилар. Пойтахт мактабларининг ўқувчилари уларни самимий кутиб олдилар. Пионерлар хонасида самимий суҳбат бўлди. «Қизил тонг» фабрикасидаги Раиса Шепилова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари пионерларга ўзларининг ишлари ҳақида сўзлаб бердилар.

САНИТАРИЯ АВИАЦИЯСИ

Ўзбекистонда санитария-авиация станциясининг ташкил этилганига 25 йил бўлди. Шу муддат ичида станция йирик санитария-медицина муассасасига айланди. Санитария авиациясининг ходимлари бирор хабар келиши билан тез ёрдам кўрсатиш учун узоқ жойларга учиб кетадилар. Фюзеляж ва қанотларига қизил крест расми солинган самолёт ва вертолётлар, учувчилар ва борт-врачлар доимо тайёр ҳолда турадилар.

Ўзбекистон санитария авиациясининг учувчилари бошқарадиган самолёт ва вертолётлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай доимо парвоз қилишга ҳозирлар. Улар узоқ районларга беморлар учун консервация қилинган қон етказиб берадилар, шошилинч операциялар учун хирурграрни олиб борадилар, узоқ қишлоқлардан оғир беморларни шаҳар касалхонасига олиб келадилар, маҳаллий врачларга амалий ёрдам кўрсатиш ва консультация бериш учун малакали врачларни, профессорларни элтадилар.

Республиканинг кекса учувчиларидан И. Р. Пепельницкий, Э. М. Фукс, Н. В. Кузнецов, Н. И. Буев, В. С. Романкин, М. Я. Маджа, Грачев, Филончиков, Григорьев ўртоқлар 25 йилдан бери санитария станциясида ишлайдилар.

Санитария авиацияси ташкил қилинган дастлабки йилларда граждан ҳаво флоти энди вужудга келаётган эди. Дастлабки лочинлар топшириқларни «У-2» самолётида бажарар эдилар. Бу машиналарда учиш учун жуда моҳир ва дадил учувчи бўлиш керак эди. «У-2» самолётларининг моторлари тез-тез ишдан чиқиб турар ва маррага етиб бормасдан ерга қўнишга тўғри келар эди. Лекин иродаси мустаҳкам учувчилар қийинчиликдан қўрқмас ва ҳар гал топшириқни шараф билан бажариб қайтар эдилар.

Санитария авиацияси самолётларида беморларга тез ёрдам кўрсатиш учун Я. Я. Гордон, М. С. Рожкова, О. Н. Павлова, А. А. Коган сингари профессорлар, доцент Раҳимжонов ва Расулев, бортврач О. М. Ормай, Б. М. Мамулайшвилли, А. К. Костин, С. А. Казакова, А. Ф. Федорова қанча-қанча қишлоқларга учиб борганлар.

Санитария-авиация станциясига 25 йилдан бери Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган врач Александр Павлович Киваев раҳбарлик қилиб келмоқда. А. П. Киваев моҳир раҳбар ва яхши врачдир. У коллектив ўртасида катта обрў қозонган.

Мамлакатимизда инсон соғлиғи ҳақида жуда катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Узоқ районлардаги аҳолига медицина хизмати кўрсатишда авиациядан фойдаланилаётганлиги бунинг ёркин далилидир. 1935 йилда санитария топшириқлари билан самолётлар бир неча ўн мартагина учган бўлса, 1959 йилда 3 минг мартадан кўпроқ училди. Биргина врач Б. Мамулайшвиллининг ўзи республиканинг турли районларига шошилинч тарзда 410 марта учиб борди.

Яқинда Чотқол тоғидаги қишлоқлардан бирида ишлаётган бир ишчининг оғир ярадор бўлганлиги ва шошилинч чора талаб қилинаётганлиги ҳақида телеграмма олинди. Беморни район касалхонасига олиб борилмаса, ўлиш хавфи бор эди. Афсуски, қишлоқ яқинида самолёт қўнадиган майдон йўқ экан.

— Вертолёт юборамиз, — деди бўлинма командири Абдусамат Тойметов.

«МИ-1» санитария вертолётининг экипажи рейса жадал тайёргарлик кўра бошлади. Авиатехник В. В. Лемешко машинани пухта текширишдан ўтказди ва узун қанотлар парвоз қилди. Учувчи Георгий Шевердяев ёнида врач Б. М. Мамулайшвилли ўтирар эди.

Булутнинг пастлиги ва кучли шамол учишни қийинлаштирди. Бундай шароитда тоғдаги кичкинагина қишлоқни топиш осон эмас, албатта. Шаҳар орқада қолиб кетди, пастда тоғ қоялари кўрина бошлади. Учувчи маррани топиб, ёнидаги карта билан таққослаб кўрди. Узоқдан қишлоқ кўринди. Кичкинагина майдончага қўниш керак эди. Вертолёт секингина ерга қўнди, бу ерда врачни сабрсизлик билан кутиб туришган экан.

Беморни вертолётга чиқаришди ва 40 минутдан кейин уни шаҳар касалхонасига етказиб келишди. Касалхонада операция муваффақиятли чиқди ва ишчи Худойберганов тирик қолди.

Бемор ўзига келганида:

— Мен бу ерга қандай қилиб келиб қолдим? — деб сўради.

—Сизни бу ерга учувчилар олиб келишди,— деб жавоб берди врач.

Худойберганов жасур учувчиларга ва врачларга ўз ташаккурини етказишни илтимос қилди.

Санитария авиациясининг учувчилари Шевердяев, Охватов, Миронов, Дорогин, Сучков, Малков, Селиверстов ўртоқлар врачлар билан ҳамкорликда ишлаб, мингларча совет кишиларининг ҳаётини сақлаб қолдилар ва аҳолидан жуда кўп миннатдорчилик олдилар.

Ўзбекистон санитария авиациясининг учувчилари медицина ходимлари билан биргаликда меҳнаткашлар соғлиғини сақлашда жуда катта иш қилмоқдалар.

М. ВИШЕДСКИЙ.

СУРАТДА: Ми-4 вертолёти санитария топшириғи билан тоғдаги Бўзай қишлоғига келди. Бортмеханик И. ШЕСТАК (чапдан), вертолёт командири Д. ДОРОГАН ва бўлинма командирининг ўринбосари Я. МАДЖА учиш маршрутини муҳокама қилмоқдалар.

Фото авторники.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

ТАРИХГА НАЗАР ТАШЛАГАНДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихига, айниқса унинг совет даврига оид бир неча қимматли илмий асарлар пайдо бўлди. Тарих фанлари кандидати А. И. Зеведевнинг Ўзбекистон Давлат нашриёти рус тилида нашр этган «Из истории гражданской войны в Узбекистане» асари ҳам шулар жумласидандир. Бу асарда Ўзбекистондаги гражданлар уруши тарихи янгича ёритилган, мунозарали бўлган кўпгина масалалар ҳал қилинган ва бу билан тарих фани хазинаси яна ҳам бойитилган.

Ўзбекистон гражданлар уруши тарихини даврларга бўлиш масаласи илмий ходимлар ўртасида кўп мунозара бўлганлиги маълум. Мавжуд адабиётларда эски схемалардан четга чиқишга ботинолмаслик масалани илмий негизда узил-кесил ҳал этишга халақит бериб келган эди. Китоб автори марксизм-ленинизм классикларининг уруш ва революция масалалари ҳақидаги асарларига, В. И. Ленининг гражданлар уруши тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, ўша вақтда Ўзбекистонда авж олиб кетган тарихий воқеаларнинг боришини чуқур ўрганган ва гражданлар уруши тарихини даврларга тўғри бўлиб берган.

Ўзбекистондаги гражданлар уруши бутун Совет республикасида авж олиб кетган гражданлар урушининг ажралмас бир қисмидир. Ўрта Осиёдаги қуролли курашнинг бориши ва унинг оқибати Совет республикасининг умумий ҳарбий-сиёсий аҳволи билан белгиланган эди. Контрреволюциянинг бирлашган кучларига қарши олиб борилган асосий кураш мамлакат марказида ўтди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаларининг тақдири биринчи навбатда ўша ерда ҳал бўлмоқда эди. Асосий фронтлардаги жанговар ҳаракатлар Ўзбекистонда гражданлар урушининг тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлди. Автор тарихий воқеалардан шундай лўнда ва аниқ хулоса чиқарган.

Китобда контрреволюцион босмачиликнинг ижтимоий моҳияти, синфий негизлари, илҳомчилари ва ташкилотчиларини аниқлашга тўхталиб, яхши қилинган.

Автор босмачилик ҳаракатининг тор-мор этилишини чуқур таҳлил қилади ва бу ҳаракатни деярли ҳамма вақт ташқи ҳамда ички контрреволюциянинг Совет ҳокимиятини бўғиб ташлашга қаратилган планлари билан боғлаб кўрсатиб, босмачилик фронтини Антанта юришларининг таркибий қисми сифатида кўрсатади.

Китобнинг сентябрь иккинчи ярмидаги Андижон мудофаасига бағишланган саҳифалари қизиқиб ўқилади. Бу бобда архив материалларидан ташқари ўша давр воқеаларининг актив иштирокчилари хотираларидан кенг фойдаланилган.

Коммунистик партия интервент, оқгвардиячи ва босмачиларнинг бирлашган кучларига қарши курашга меҳнаткашларни сафарбар қилишда катта ташкилотчилик ролини ўйнаган. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг таянчи ишчилар синфи (рус ва маҳаллий миллат ишчилари) эди. У ўзининг сон жиҳатдан кам бўлишига ва шакланишининг ўзига хос шароитларига қарамасдан, ярим пролетар оммасини ва айниқса меҳнаткаш деҳқонларни ўз атрофига тўплади. Ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги мустаҳкам иттифоқ ғалабага эришишда ҳал қилувчи ижтимоий ва сиёсий куч бўлди.

Китобда Туркистон автономиясининг тузилиши, Туркистон Компартияси биринчи съездининг миллий масала юзасидан чиқарган қарорлари ва Туркистон миллатлар Халқ Комиссарлигининг амалий фаолиятидан конкрет мисоллар келтирилади. Шу жиҳатдан китобнинг «ТКПнинг гоявий-ташкилий мустаҳкамланиши ва Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатни бундан кейинги амалга оширилиши» деган боби диққатга сазовордир.

Биз асарни ўқир эканмиз, ажойиб коммунистларнинг бутун бир плеядасини кўз олдимиздан ўтказамиз. Чунончи Туркистонда Совет ҳокимиятининг биринчи раҳбарлари П. А. Кобозев, В. Д. Вотинцев, В. Д. Фигельский, Н. Хўжаев, Тўрақуловлар; М. В. Фрунзенинг сафдошлари'—ҳарбий бошлиқлар И. П. Белов, Ф. Ф. Новицкий, Миркомил Миршаропов; қуйи партия-совет идораларининг бошлиқлари, ҳарбий қисм командирлари, гражданлар урушининг қаҳрамонлари Йўлдош Охунбобоев, Очил Бобожонов, А. П. Соколов, Э. Ф. Кужело, Алиқул Холмуродов, Абдурахмон Мадиёровлар. Булар халқ оммасини курашга уюштирган ва ғалабага бошлаб борган жўшқин революцион кишилардир.

Асар баъзи камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Автор босмачилик ҳаракатига қарши курашни 1920 йил билан тамом қилиб, 1921—1923 йиллардаги воқеаларни ва босмачиликнинг тор-мор қилиниш тарихини ёритмаган. Шунинг учун ҳам асарни тугал деб бўлмайди.

Китобда гражданлар урушида фронт орқа томонининг ролига жуда кам тўхталган, бу масаланинг кўпгина муҳим томонларини эътибордан четда қолдирган.

Маҳаллий совет ҳукумат органларининг фронтга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатишга меҳнаткашларни сафарбар қилиш соҳасидаги фаолияти ҳам етарли таҳлил қилинмаган. Гражданлар уруши йилларидаги совет қурилиши масаласи тилга олинмаган. Автор Ўзбекистонда Совет ҳокимияти органларининг тузилиши ва мустаҳкамланишини, ревкомлардан сайлов асосидаги Советларга ўтиш процессини конкрет материаллар асосида кўрсатиши, «Қўшчи» каби оммавий ташкилотларнинг фаолияти ҳақида муфассал тўхталиши керак эди.

Автор 1917—1920 йиллардаги қатор атоқли арбобларнинг исм ва фамилияларини кўрсатишга бепарволик ва эътиборсизлик билан қараган. Чунончи 604 бетда машҳур тошкентлик революционер Мирза Аҳмад Мирходиевни Мирхаидов деб, Фарғона область комиссари Абрам Семёновични Михаил Абрамович (505 бет) деб, нотўғри берган.

Лекин бу камчиликлар асарнинг қимматини камайтирмайди. А. И. Зевелев монографияси мутахассислар учун фойдали бўлиши билан бирга, у, ёш авлодни совет халқининг қаҳрамонона кураши мисолида тарбиялашга ҳам ёрдам беради.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ.
тарих фанлари кандидати.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ЖАҲОН ҚОЙИЛ

БОЛГАРИЯ — СОФИЯ, 8 январь. (ТАСС). Бугун Болгария газеталари Совет Иттифоқининг кучли ракеталар учириши ҳақидаги ТАСС ахборотини биринчи саҳифаларида катта сарлавҳалар билан босиб чиқардилар. «Земеделско знаме» газетаси бу хабарни «Совет фанининг янги улуғвор ютуқлари олдидан» деган сарлавҳа остида эълон қилиб, кучлироқ совет ракеталари Ернинг оғир вазнли йўлдошларини учириш бошқа планеталарга учиш учун тайинланган, деб таъкидлайди.

«Отечествен фронт» газетаси ТАСС ахборотини «СССР Қуёш системасидаги планеталарга янги кучли ракеталар учириди» деган сарлавҳа остида, «Труд» газетаси «1960 йилда бошқа планеталарга ракеталар юборилади» деган сарлавҳа остида, «Народна младеж» газетаси «СССР Ернинг оғир йўлдошлари учун ва планеталарга космик учиш учун кучли ракеталар учириди» деган сарлавҳа остида босиб чиқардилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ — ПРАГА, 8 январь. (ТАСС). «Руде право», «Праце», «Обрана люду» ва бошқа ҳамма газеталар Ернинг оғир йўлдошларини учириш ва Қуёш системасидаги планеталарга космик учишларни амалга ошириш учун кучлироқ ракеталар яратиш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ТАСС ахборотини эълон қилиб, ўз сарлавҳаларида олиб бориладиган ишлар ва ўтказиладиган синовлар келгусида космоса янги учишларни амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб кўрсатмоқдалар. «Свободне слово» газетаси Совет фанининг коннотин тадқиқ қилишдаги муваффақиятлари натижасида Қуёш системасидаги планеталарга учиш учун тайёргарлик кўриш имконияти туғилди, деб таъкидлайди.

ФРАНЦИЯ — ПАРИЖ, 8 январь. (ТАСС). Парижда чиқадиган газеталар Совет Иттифоқида Тинч океаннинг марказий қисмида ракеталар учирилиши тўғрисидаги ахборотни бугун босиб чиқардилар. Франс Пресс агентлиги ТАСС ахборотининг тўла текстини эълон қилди. «Юманите» газетаси бу ахборотни биринчи саҳифага бериб, уни «ажойиб янгилик» деб ёзади.

ИРОҚ — ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ

БАҒДОД, 8 январь. (ТАСС). Ироқ армияси қунининг байрам қилиниши муносабати билан, кеча Бағдод муниципалитети биносида қабул маросими ўтказилди. Қабул маросимида армия ва бош штаб офицерлари, бош министр Қосим бошчилигида Ироқ ҳукумати аъзолари, республиканинг Олий давлат кенгаши аъзолари, чет эл ҳарбий атташеси ҳозир бўлдилар. Қабул маросимида бош министр Қосим нутқ сўзлади.

Қосим келгусида мамлакатда сиёсий партиялар тузилиши ҳақида гапириб партиялар халқ манфаатларига хизмат қилишлари лозим, деб таъкидлади. Бош министр «чинакам демократик режим» барпо этилиши зарур, деди.

Биз халққа эркинлик беришдан қўрқмаймиз ва бу эркинликни унга берамиз, деди Қосим. Ўз халқига қарши чиқувчиларгина эркинликдан қўрқадилар... Биз ўз мамлакатимизда ва қўшни мамлакатларда эркинликни қўллаб-қувватлаймиз...

Бош министр Ироқ армиясининг халқ билан бирлигини ва унинг агрессорларга зарба беришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Бош министр Ироқнинг ташқи сиёсати проблемаларига ўтиб, Ироқ Республикаси — тинчликсевар давлатдир, деди.

Қосим империализм хавфига қарши араб мамлакатларининг бирдамлигини мустаҳкамлашга чақирди.

„МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА“ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Д. ЭЙЗЕНХАУЭРНИНГ МАКТУБИ

◆ Совет фанининг янги ғалабаси. ◆ «Ачинарли камчиликлар» ◆ ХХРга қарши иғво.

ВАШИНГТОН, 7 январь (ТАСС). Бугун АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр АҚШ конгресси ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисида «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида»ги ҳар йилги традицион мактубини ўқиб берди.

Мактубда президент Оқ уйда сўнгги йил бўлиши даврида у бутун дунёда тинчликни таъминлашга ҳамда Қўшма Штатларнинг равнақ топишига ўзининг бутун куч-ғайрати билан эришиш ниятида эканлигини уқтириб ўтади.

Эйзенхауэр халқаро аҳвол кейинги вақтларда яхши томонга ўзгарганлигини қайд қилиб, дунё, эҳтимол, «кескинлик бирмунча юмшаган даврга» кирганлигини кўрсатиб ўтди. Эйзенхауэр зўр бериб қуролланиш ва жуда кучли вайронагарчилик қуроллари вужудга келтирилганлиги инсониятни ўзаро қирғинлик мумкин бўладиган ҳолатга яқинлаштирганлигини уқтириб, бу факт «адолатли тинчлик учун тинмай курашишнинг» муҳим эканлигини таъкидлайди, деди.

Эйзенхауэр сўнгра мактубда халқаро кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш масаласи гўё тамомила Совет Иттифоқига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. АҚШ президенти «ядро қуроли синовларини контроль қилиб турилган ҳолда тақиқлаш» тўғрисида Женевада 12 январда янгидан бошланадиган музокаралар халқаро кескинликни янада юмшатиш ва Совет-Америка ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашнинг йўлларидан бири эканлигини айтиб, ядро портлатишларини аниқлаш методлари ҳақида яқинда олиб борилган музокаралар вақтида совет олимларининг тутган позицияси илмий мулоҳазалар билан эмас, балки гўё сиёсий мулоҳазалар билан белгиланди, деб таъкидлаб ўтди.

АҚШ президенти сўнгра унинг мамлакати «адолатли тинчликка олиб келишга қодир бўлган ҳар қандай масалалар ҳақида Совет Иттифоқи билан жиддий музокаралар олиб боришга ҳамиша тайёр эканлигини» айтди. Бироқ у шу ойдаёқ унинг ўзи айтгандек «гарантия қилинган тинчликка» бўлган интилишига қанчалик ҳамрамай, Қўшма Штатлар Эйзенхауэрнинг фикрича, аввалгидек, ҳарбий тайёргарликнинг «юксак даражасини» сақлаб туриши лозимлигини уқтириб ўтди. Президент бундан олдинги йиллардаги сингари, АҚШ ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги мақсадларига «кенг базисга эга бўлган зўравонлик позициясида турибгина» эришиши мумкинлигини яна уқтириб ўтди. АҚШ президенти шу муносабат билан Америка ҳозирги вақтда жуда катта ҳарбий қудратга эга деди ва Қўшма Штатлар космик талқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган қудратли ракета двигателларининг ўз ихтиёрида бўлмаганлигидан ҳарбий жиҳатдан қийналмайди, деб конгрессни ишонтирди.

Бироқ, дедики, Эйзенхауэр сўнгра Қўшма Штатлар ўзларида мавжуд бўлган ракета двигателларидан тагин ҳам кучлироқ бўлган ракета двигателларини вужудга келтириш учун қатъий чоралар кўрмоқда.

Эйзенхауэр конгресснинг қараб чиқиши ва тасдиқлаши учун ҳукумат томонидан тақдим этиладиган янги бюджетда ҳарбий харажатлар «кейинги бир неча йиллар мобайнида тинчлик даври учун рекордли даражада» қолишида давом этишини айтиб, жумладан, янги бюджет йилида «космик программа» деб аталган программани амалга ошириш учун қилинадиган харажатлар «амалда икки баравар» кўпайтирилишини хабар қилди.

Эйзенхауэр ўз иттифоқчилари сингари Қўшма Штатлар ҳам кейинги вақтларда халқаро кескинликнинг яхшиланиш имкониятига гоят жиддий суратда қараётганлигини уқтириб, Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида шу чоққача гўё «яхши ваъдалар» билангина чекланиб қолаётир, деб айтди. Президентнинг фикрига қараганда, бу ваъдалар конкрет тадбирлар билан шу чоққача таъкидланган эмас, эмиш.

АҚШ президенти ҳамжиҳатликка эришиш йўлидаги йўллардан бири сифатида Совет ва Америка халқлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳимлигини уқтириб ўтди. Эйзенхауэр ҳамжиҳатликни тинчликнинг чинакам негизи деб атади. Бошқа йўл, деб давом қилди президент, қуролсизланишдан иборатдир. Бунда Эйзенхауэр ана шу масала ҳақида Совет Иттифоқи музокаралар олиб боришга жиддий равишда тайёр эканлигини қайд қилиб ўтди.

Эйзенхауэр Антарктикадан тинч мақсадларда фойдаланиш тўғрисила ўтган кузда АҚШ, СССР, Англия ва бир қанча бошқа мамлакатлар ўртасида имзоланган шартномани тинчлик ишининг муваффақияти мисоли сифатида кўрсатди. У ана шу шартномани «тинчлик, халқаро ҳамкорлик ҳамда фаннинг тараққиёти ишига қўшилган муҳим ҳисса» деб атади.

Президент Эйзенхауэр ўз мактубида кам тараққий этган мамлакатларга иқтисодий ва техника жиҳатидан ёрдам кўрсатиш зарурлиги масаласига анчагина эътибор берди. Бунда Эйзенхауэр бу вазифа фақат Америка олдида турган вазифа бўлмай, балки шунингдек бошқа «бой миллатлар» олдида турган вазифа эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Мактубнинг АҚШ даги ички аҳволга бағишланган бўлимида президент Эйзенхауэр, кириб келган 1960 йил «Американинг бутун тарихида энг кўп равнақ топадиган йил бўлишидан дарак бермоқда» деди. Бироқ сўнгра президент Эйзенхауэр Қўшма Штатлар илгаригидек ҳозир ҳам «ачинарли камчиликдан қийналаётганлигини» уқтириб ўтади. Президентнинг фикрига қараганда, мамлакат қишлоқ хўжалигидаги аҳвол, ўсиб бораётган инфляция ва гражданлар ҳуқуқлари масаласи ана шундай «камчиликдардир». Қишлоқ хўжалигида фермерларнинг даромадлари аввалгидек пасайиб бормоқда. Президент АҚШнинг давлат қарзи ҳозирги вақтда 290 миллиард долларгача ўсганлигини, мамлакат тўлов балансининг дефицити ўтган йилда 4 миллиард долларга яқинлашганлигини айтди. Эйзенхауэр Қўшма Штатларда илгаригидек ҳозир ҳам нарх-навонинг умумий ўсиши давом этаётганлигини таъкидлаб, яқинлашиб келаётган инфляциянинг олдини олиш учун ана шу процессни тўхтатиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Президент ўз мактубининг охирги қисмини, унинг сўзи билан айтганда, «империалистик коммунизм» идеологиясига қарши ҳужумга бағишлади. Бироқ ўтган йиллардагидан фарқ қилиб, президент бу йил ўз мактубида Совет Иттифоқи ва унга дўст бўлган социалистик давлатларнинг иқтисодий тараққиётда қўлга киритилган жиддий муваффақиятлари ҳақида гапирмасдан ўтолмади. Эйзенхауэр коммунистик дунёни «гигант ташаббус» деб атаб, коммунистлар «кейинги 15 йил мобайнида қўлга киритилган бир қанча моддий муваффақиятларни ўзларининг жанговар сафларига кўя олишларини» айтиб, коммунистлар гапираётган мусобақа АҚШ учун «қийин иш» эканлигини илова қилди.

ЯНА ИҒВО

Пекин, 8 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: АҚШ ҳарбий корабли 8 январь соат 2-32 минутдан соат 8-7 минутгача Хитой Халқ Республикасининг Байцюань ва Хайтань районларидаги (Фуцзянь вилояти) территориал сувларида бўлди. Америка корабларининг ана шу ҳарбий иғвогарлиги муносабати билан, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили яна жиддий огоҳлантирди.

НАМОЙИШ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

АНҚАРА, «Улус» ва «Ени Гюн» газеталарининг билдиришича, Аданда щаҳарнинг чет эл оккупантларидан озод қилинганлигига 38 йил тўлиши муносабати билан байрам тантаналари вақтида полиция билан аҳоли ўртасида тўқнашув бўлган. Полиция ва жандармерия байрам тантанасига келган оппозиция депутатларини табриклаб турган намойишчиларни тарқатиб юборган. 16 киши ярадор бўлган.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

„АМЕРИКАЧА ЯШАШ“ ОҚИБАТИ

Яқинда Япония полицияси Бош бошқармаси 1959 йилни якунлашга қарор қилди, яъни шу йили содир бўлган жиноятлар сонини аниқлашга киришди. Маълум бўлишича, майда жиноятларни ҳисобламаганда оғир жиноят қилганлиги, одам ўлдирганлиги, зўрлаганлиги, босқинчилик билан шуғулланганлиги учун 20 мингдан ошиқ киши қамоққа олинган. Бу жиноятчилар ҳали балоғатга етмаган ёшлардир. Текшириш натижасида яна шу нарса маълум бўлдики, турли жиноятлар америка базалари жойлашган районларда яшовчи ёшлар ўртасида кўплаб содир бўлмоқда. Бу районларда одам ўлдириш, босқинчилик, фоҳишалик кенг тус олган.

«Хоккайдо симбун» газетаси Японияда жиноят кўпайганлиги ҳақида гапириб, жиноятлар келиб чиқишига сабаб биринчидан, турмушнинг оғирлиги бўлса, иккинчидан, «америкача яшаш» пропагандасининг япон ёшларига кўрсатаётган таъсиридир, деб ёзди. Газетанинг ёзишича, америка детектив романлари, повесть ва ҳикоялари, айниқса бандитлар ҳаётини ҳикоя қилувчи америка кинофильмлари япон ёшларини «қаҳрамонлик кўрсатишга», жиноятларга илҳомлантирмоқда.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

6 январдан 8 январгача Москвада, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Чет эл мамлакатлари билан маданий алоқалар давлат комитетида СССР билан Чехословакия ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисида музокаралар олиб борилди. Музокаралар давомида 1959 йилда маданий ва илмий алоқалар планининг бажарилиши масаласи қараб чиқилди ва 1960 йилги ҳамкорлик плани ишлаб чиқилди.

Маданият ва фан соҳасида СССР билан Чехословакия ўртасидаги ҳамкорлик ўтган йил мобайнида тенг ҳуқуқлилик, томонларнинг астойдил дўстлиги ва ўзаро манфаатдорлиги принципи асосида муваффақиятли ривожланганлиги зўр мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

1960 йил учун тузилган план Совет-Чихословакия маданий ва илмий алоқаларини бундан кейин ҳам ҳар томонлама ривожлантириш ва чуқурлаштиришни кўзда тутади. План фан, олий таълим, халқ маорифи, профессионал-техника таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, радио эшиттириш, телевидение, спорт соҳасидаги кўпгина масалаларни ўз ичига олади.

СССР билан Чехословакия ўртасидаги маданий ва илмий ҳамкорликнинг 1960 йилги планини ва музокаралар протоколини СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Чет мамлакатлар билан маданий алоқалар давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков ва Чехословакия республикасининг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Рихард Дворжак имзоладилар.

Музокаралар традицион самимий дўстлик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

ЛИБЕРИЯ

Шу йил 4 январда Либерия республикасининг пойтахти Монровияда республика президенти Уильям В. С. Табмэннинг ўз вазифасини бажаришга расман киришганлигига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Бу маросимда Европа, Осиё, Африка, Америкадаги 65 мамлакатдан жуда кўп меҳмонлар қатнашди. Байрам тантаналарида СССР ҳукумати делегацияси ҳам иштирок этди. Делегацияга СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов бошчилик қилмоқда.

• • •

Либерия Ғарбий Африкада жойлашган. Территорияси 111,4 минг квадрат километр. Аҳолиси тахминан 2 миллион 750 минг кишидан иборат.

Либерия—саноати кам ривожланган аграр мамлакат. Халқ бойлиги каучук ҳисобланади. Бироқ, каучук ишлаб чиқариш, уни жаҳон бозорига чиқариб сотиш Америка компаниясига «Файрстон тайр энд раббер компани» ихтиёрида. Бу компания 1926 йилда 400 минг гектар каучук плантацияларини 99 йиллик муддатга арендага олган. Компания ихтиёридаги плантацияларда 30 минг ишчи оғир шароитда меҳнат қилади.

Мамлакат территориясида табиий бойликлар мўл. Кейинги йилларда топилган темир рудасининг запаси бир неча миллион тонна ҳисобланади. Мамлакат нефтга ҳам жуда бой. Лекин маблағ етишмаслиги сабабли бу табиий бойликлардан тўлиқ фойдаланмайдилар.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирмайди. Гуруч, балиқ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари четдан келтирилади.

Кейинги йилларда Либерия ҳукумати саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Чунончи, чет эл компанияларидан олинадиган солиқлар бироз кўпайтирилди, шунингдек намунали қишлоқ хўжалик фермаларини ташкил этиш планлаштирилмоқда. Либерия ҳукумати миллий кадрлар тайёрлаш ишига ҳам эътибор бермоқда.

Либерия ҳалигача мустамлакачилик асоратида азоб чекаётган Африка мамлакатларига мустақиллик берилишини талаб қилмоқда. 1958 йилда Либерия республикаси президенти Табмэн мустақил Африка мамлакатларининг конференциясида қатнашди.

Совет халқи ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилаётган Либерия халқига доимо ҳайрихох. Н. А. Муҳитдинов бошчилигидаги Совет ҳукумати делегациясининг Либерияда бўлиши Совет халқи билан Африка халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди.



Наманган педагогика институтида слесарлик, дурадгорлик мастерскойлари ташкил этилди. Мастерскойлар яхши жиҳозланган. Бўлажак педагоглар бу ерда ҳунар ўрганмоқдалар. СУРАТДА: институт мастерскойида.

В. Нудлер фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ ОЛДИДАН

БАҒРИМИЗ ОЧИҚ

Ўзбекистонда ўтказиладиган қардош Озарбайжон адабиёти ҳафталигининг очилиш кунлари яқинлашиб қолди. Олий ўқув юртларида, маданият саройларида, кутубхоналарда Озарбайжон совет адабиётининг атоқли ёзувчилари ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари ўтказила бошланди. Озарбайжон ёзувчиларининг ўзбек ва рус тилларида босилиб чиққан асарларига эҳтиёж тобора ортмоқда.

Январнинг иккинчи ярмида о-иладиган Озарбайжон адабиёти ҳафталигига ёзувчилардан Озарбайжон ёзувчилари союзи правлениеси раиси Меҳти Ҳусайин (делегация бошлиғи), Сулаймон Рустам, Мамед Раҳим, Али Велиев, Марвари Дилбози, Қобул Имонвердиев, Оға Курчайли ўртоқлар келадилар.

Яна шуниси қувончлики, ҳафталик кунлари Ўзбекистон меҳнаткашлари Озарбайжон санъати билан ҳам танишадилар. Адабий кечаларнинг бадиий қисмларида СССР халқ артисти Булбул Мамедов, Озарбайжон ССР халқ артистлари Шавкат Алекбарова ва Дилбози, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Аслонова, Мамедов, Содиқова ҳамда Озарбайжон филармонияси солистлари Алиев, Содиқов ўртоқлар ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош озарбайжон халқининг ҳурматли ёзувчилари ва санъат арбобларини қучоқ очиб кутмоқдалар.

СССР ОЛИМПИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Яқинда Москвада СССР олимпия комитетининг мажлиси бўлиб, бунда комитет уставини ўзгартириш масаласи муҳокама қилинди. Пленум олимпия комитети раиси К. А. Андриановнинг докладини тинглаб, уставга баъзи ўзгаришлар киритди ҳамда комитетнинг навбатдаги вазифаларини белгилади.

СССР Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Марказий совети раисининг ўринбосари Е. И. Валуев совет спортчиларининг VIII қишки олимпия ўйинларига тайёргарлиги ҳақида ахборот берди. VIII қишки олимпия ўйинлари шу йил 18 февралдан 28 февралгача Скво Вэллида (АҚШ) ўтказилади.

СССР олимпия комитети олимпиада олди тайёргарликларини юксак савияда ўтказиш ҳамда қишки ўйинларда муваффақиятли чиқиш ҳақида мурожаат қабул қилди.

Пленум СССР олимпия комитети президиумининг янги составини сайлади. Президиум раиси қилиб К. А. Андрианов сайланди.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ҲАДЯ

Руминия рассоми, давлат мукофоти лауреати, Руминия Халқ Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Ги Бела Сабо Москвада меҳмон бўлиб турибди. Унинг гравюралари А. С. Пушкин номидаги давлат тасвирий санъат музейининг залларида зўр муваффақият билан кўрсатилмоқда.

Руминия рассоми ўз асарлари коллекциясини совет халқига ҳадя қилди. 132 та гравюранинг ярми давлат тасвирий санъат музейининг фондида қолдирилади, гравюраларнинг иккинчи ярми Ленинградга жўнатилиб, Эрмитажга топширилади.

8 январда гравюраларни топшириш тантанали маросимга пойтахт рассомлари, жамоат арбоблари, Совет-Руминия дўстлиги жамиятининг вакиллари тўпландилар.

Ги Бела Сабо ўз асарларини топшираётириб, унинг ватанига бебаҳо ёрдам кўрсатганликлари ва кўрсатаётганликлари учун совет кишиларига ташаккур билдирди.

Гравюраларни топшириш маросимида Руминия Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонасининг маслаҳатчиси Т. Петреску нутқ сўзлади. (ТАСС).

ПРАВДА ВОСТОКА

Газета бош мақоласи КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари асосида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида турган вазифаларга бағишланган. Чўқабоқар Д. Султонов ва сут соғувчи М. Қодировалар ўзларининг етти йиллигининг иккинчи йилида олган мажбуриятлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Шунингдек, газетада асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш юзасидан социалистик мусобақа ташаббускорлари А. Бочаров, Е. Сухорукова ва Л. Светашовалар билан суҳбат босилган.

ЎЗБЕКИСТОНИ СУРХ

Газетанинг биринчи саҳифасида «Мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирамиз» сарлавҳаси остида республика қишлоқ хўжалиги илғорларининг социалистик мажбуриятлари босилган.

Иккинчи бетда «Пропагандистларга ёрдам» рубрикаси остида М. Искандаровнинг мақоласи берилган.

Газетанинг учинчи бетидан халқ маорифи системасини қайта қуриш юзасидан қабул қилинган қонунинг бажарилиши ҳақида материаллар ўрин олган.

ТЕЛЕВИЗОРДА:

БУГУН

12.00. **«Физкультура билан шуғулланинг»** деган эшиттириш ва **«Ажойиб усталар»** деган ҳужжатли фильм. 12. 55. **«Маданият университети»** (ўзбек тилида). 19.00. **«Бўри ва етти эчки»** деган болалар операсининг биринчи кўринниши (рус тилида). 19.30. Сўнгги ахборот. 19.50. Бадиий фильм **«Ешлик йиллари»** (ўзбек тилида). 21.15. **«Дўстларимизнинг совғалари»** деган концерт.

ЭРТАГА

19.30. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида **«Меҳнатга ихлос»** деган эшиттириш. 19.50. **Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш.** 20. 10. Сўнгги ахборот. 20. 30. А. П. Чеховнинг туғилган кунига юз йил тўлиши олдидан эшиттириш. 20.50. Ўзбек тилида адабий-драматик эшиттириш. Ҳамза номли театрнинг **«Тоғ-жиянлар»** спектаклидан саҳналар. 21.15. Албания Халқ Республикаси эълон қилинганига 14 йил тўлиши муносабати билан **«Гулла, Албания»** деган ҳужжатли фильм.

БИЛДИРИШ

«ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА» редакцияси газетхонлар конференциясини ўтказади. Редакция вакиллари газетанинг иши ва 1960 йилги планлари ҳақида гапириб берадилар. Авторлар ва газетхонлар активи газета ҳақидаги ўз истакларини айтадилар.

Конференциядан кейин концерт қўйиб берилади.

Конференция 12 январь кеч соат 7 да КГБ клубида (Ленинград кўчаси, уй № 22) ўтказилади.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/I да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Тоғ-жиянлар.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/I да кундуз **Маскарад**, кечқурун **Майсаранинг иши.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/I да кундуз **Фарғона ҳикояси**, кечқурун **Равшан ва Зулхумор.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—10/I гача **Арча.** «Айиқлар цирки» иштирокида **катта байрам томошалари.** Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

Бир қирувчининг тарихи — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз соат 1-40 минут, 3-20 минут ва кеч 10-10 минутда), «СПУТНИК» (кеч соат 5 ярим, 6 ярим ва 8 яримда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кеч соат 6 ва 10 да).

Сукунат оламида—НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12 ва кеч 10-20 минутда), Кинолекторий (кундуз соат 1 ярим, 3, 4 ярим ва кеч 9 да).

Насриддин Ҳўжандда — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1ярим, 3-20 минут, кеч 5 ва 8-40 минутда), «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минутда).

Қонун — қонундир—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 1 ярим, кеч 5 ва 8 яримда), НАВОИЙ номли (кеч соат 6-50 минутда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 2, 4 ва кеч 8 да).

Яшил ерларимда—«ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 5, 6-45 минут ва 8 яримда).

Калта шим кийган одам—«ИСКРА» (кеч соат 10 яримда).

Болалар—«ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 1 ва 2 яримда), «СПУТНИК» (кундуз соат 12 ва 2 яримда).

Овчилар—«КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да)

Қор қизи—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 да).

Бургутча—СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Ҳамза номли театр биносида
11 январда
УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИНИНГ
КОНЦЕРТИ
Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёр — **Саид Алиев.**
Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова**, VI Жаҳон фестивали лауреати **Клара Жалилова**, филармония солистларидан **Тўхта Йўлдошева, Тоштемир Шарипов**лар қатнашади.
Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
11 январдан 18 январгача
ЦИРКДА АРЧА
«АЙИҚЛАР ҚУРГАНИ БОРАМИЗ»
Томошалар кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Гражданлар диққатига!
«УЗЛЕССТРОЙТОРГ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИНИНГ
Тошкентдаги ва Ўзбекистон ССР-нинг бошқа шаҳарларидаги ёғоч савдоси складларида
сифатли
ЁҒОЧ-ТАХТА,
уй деталлари ва маҳаллий биноларнинг материалларидан тайёрланган деворлар, цемент, пишиқ ғишт, алебастр, дераза ва эшиклар, шунингдек ўтин
нақд пулга
СОТИЛАДИ
Тошкентда қуйидаги жойларга мурожаат қилинсин:
Тошкент ёғоч савдоси склади— Ш. Руставели кўчаси, 93-уй, телефон — 51-820.
Қўйлиқ ёғоч савдоси склади — Рисовая кўча, 126-уй, телефон — 33-566, қўшимча телефон — 67.
Салор ёғоч савдоси склади — 1-Тюльпановский проезд, 19-уй, телефон — 32-612.

ПРОМКОМБИНАТГА
ровничиқалар, йигирувчи, съёмчи, сновалчи, моталчи, шлихтовалчи, тўқувчи,
зарядчи аёллар **керак**
Қабул қилинганлар уй-жой билан таъминланади.
Худди шу ихтисосларга ШОГИРДЛАР ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Тошкент область, Зангиота қишлоғи, Ўртаовул станциясида промкомбинатнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин
Телефон — 32-843.

ВАГОН-РЕСТОРАНЛАР ТОШКЕНТ БЎЛИМИГА
тажрибали савдо ходимлари: директорлар, буфетчилар, ошпазлар
КЕРАК
Привокзальная кўча, 20-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тимирязев кўчаси, 96-уйда турувчи **Собит Абдухўжаевнинг** Калинин район, Сталин қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда турувчи Сабура Абдухўжаева-Норматовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604. Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226. Совет қурилиши — 27604. Қишлоқ хўжалиги — 34455. Саноат — 34524. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 34780. Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 36334, 33262.

Р. 02511. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А — № 8.